

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўл ёзма ҳуқуқида*  
**УДК 336.5+338.24(575.1)**

**АХМЕДОВА ДИЛРАБО ҚУРБОНДУРДИ-ҚИЗИ**

**Тижорат банклари фаолиятида кредит сиёсати  
ва уни бошқариш**

**5A230701–Банк иши (фаолият турлари бўйича)**

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: Хакимов И.**

**Тошкент-2013**



## Мундарижа

<b>КИРИШ</b> .....	<b>3</b>
<b>I Боб. Тижорат банклари кредит сиёсати ва уни бошқаришнинг назарий, ҳуқуқий ва услубий асослари</b> .....	<b>8</b>
1.1.Тижорат банклари кредит сиёсати: иқтисодий моҳияти, банк барқарорлигини таъминлашдаги роли .....	8
1.2.Тижорат банклари кредит сиёсатининг мезонлари ва уни тузиш тартиби .....	18
1.3.Тижорат банкларида кредит портфелини бошқаришнинг назарий-услубий асослари.....	27
<b>I боб бўйича хулоса</b> .....	<b>31</b>
<b>II Боб. Ўзбекистон Республикаси банкларининг кредит портфелини бошқариш тартиби ва уни таҳлили</b> .....	<b>33</b>
2.1.Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит портфелининг қиёсий таҳлили .....	33
2.2.ОАТБ „Агробанк“ кредит портфели таҳлили .....	49
2.3.Ривожланган мамлакатлар тижорат банкларининг кредит сиёсати ва банк кредит портфелини бошқариш тажрибаси .....	67
<b>II Боб бўйича хулоса</b> .....	<b>73</b>
<b>III Боб. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит сиёсатини такомиллаштириш истиқболлари</b> .....	<b>75</b>
3.1. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида самарали кредит портфелини такомиллаштириш муаммолари.....	75
3.2 Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит сиёсатини такомиллаштириш ва кредит портфелини бошқаришни ривожлантириш йўллари .....	83
<b>III БОБ бўйича хулоса</b> .....	<b>87</b>
<b>Хулоса ва таклифлар</b> .....	<b>88</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	<b>92</b>

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида, инвестиция ва инновация сиёсатини амалга ошириш ҳамда миллий иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашда тижорат банкларининг фаолияти алоҳида ўрин тутади.

Тижорат банкларининг даромадларини ташкил этувчи кредитларнинг шакллари, таркиби ва хусусиятларини чуқур ўрганиш ҳозирги замон бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги давр иқтисодий муҳитига хос бўлган хатарлилик ва ноаниқлик шароитида банкларда кредитлаш бўйича турли вазиятлар ва ҳолатларда юзага келадиган муаммоли кредитлар масаласи мавжудлиги ва улар таъсири юқори эканлиги яққол намоён бўлмоқда. Шу сабабли ҳам тижорат банклари фаолиятини ислоҳ қилишга оид деярли барча расмий ҳужжатларда мазкур муаммонинг ечимини топишга катта эътибор берилмоқда. Бу масалани ҳал қилишда биринчи навбатда тижорат банклари кредит сиёсатини мукамал ишлаб чиқиш, ҳозирги замон бозор иқтисодиёти субъектларига хос бўлган хатарлилик ва ноаниқлик табиати билан таҳлил қилиш ва уларни бошқариш усулларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов ўз маърузасида: “Дунёнинг кўплаб етакчи мамлакатларида кредит олувчиларнинг тўловга лаёқатсизлиги, ҳисоб-китоб қилишга қурби етмаётгани молия-банк тизимида жиддий муаммолар пайдо бўлишига олиб келмоқда” – дея таъкидлайдилар<sup>1</sup>.

Демак, бугунги кунда иқтисодиётни реал секторини кредитлашда кредит олувчиларнинг тўловга лаёқатлилики муаммоси мавжуддир. Шу

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Бош мақсадимиз - кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Т.: «Ўзбекистон», 2013 й.

муносабат билан кредитлаш жараёни ва унинг самарадорлиги билан боғлиқ ҳар қандай иш долзарб ҳисобланади.

Маълумки, ҳар қандай кредитлаштириш фаолияти банкнинг ўзига, миждозига боғлиқ ва улар иккаласига ҳам боғлиқ бўлмаган хатарлар мавжудлиги билан характерланади. Шунинг учун ҳам бундай ички ва ташқи, объектив ва субъектив кредит хатарларни олдиндан кўра билиш ва улар оқибатларини тахминлаш ва салбий таъсирини кескин камайтириш тижорат банклари кредит сиёсатини самарали бошқаришнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Диссертациянинг тадқиқот объекти сифатида ОАТБ „Агробанк“ фаолияти олинган.

Тадқиқот предметини тижорат банклари фаолиятида кредит сиёсатини ишлаб чиқиш, кредит портфели сифатини яхшилаш ва кредит бериш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар йиғиндиси ташкил этади.

**Тадқиқот мақсади ва вазифалари.** Диссертациянинг асосий мақсади тижорат банклари кредит сиёсатини мукамал ишлаб чиқиш ва самарали бошқариш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун тадқиқотдақуйидаги вазифалар белгиланган:

- тижорат банклари кредит сиёсатининг иқтисодий моҳиятини ва унинг банк барқарорлигини таъминлашдаги ролини ёритиб бериш;
- тижорат банкларида илмий асосланган, оқилона кредит сиёсатини ишлаб чиқариш бўйича муаллиф муносабатини билдириш;
- тижорат банкларида кредит портфелини бошқаришнинг назарий-услубий асосларини ўрганиб чиқиш;
- Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредит портфелларини қиёсий таҳлил қилиш;

- ривожланган мамлакатлар тижорат банкларининг кредит сиёсати ва банк кредит портфелини бошқариш тажрибасини ўрганиш ва уларни республикамиз банк амалиётида жорий этиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

- тижорат банкларида кредит сиёсатини такомиллаштириш ва кредит портфелини бошқаришни ривожлантириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари.** Магистрлик диссертация ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг амалиётга тадбиқ этилиш тижорат банклари фаолиятида кредит сиёсатини тўғри, оқилона ишлаб чиқиш ва кредит портфелини самарали бошқаришни такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва қисқача адабиётлар таҳлили.** Бугунги кунда кредит сиёсати ва кредит портфелини самарали бошқариш бўйича бир қатор илмий изланишлар ва тадқиқотлар олиб борилган, кўплаб илмий адабиётлар ва мақолалар чоп этилган.

Кредит портфелини шакллантириш ва кредит сиёсатига оид масалалар замонавий хорижлик олимлардан Астахов А.В., Балабанов Н.Т., Жуков Е.Ф., Лаврушин О.И., Ларионова И.В., Мамонова И.Д., Ольхова Р.Г., Ольшанный А.И., Коттер Р., Колычев Л.И., Севрук В.Т., Соколинская Н.Э., Спицин И.О., Сухов М.М., Стоянова Е.С., Усоскин В.М., Панова Г.С., Портер Р.С.ларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган.

Ушбу муаммолар Республикамиз иқтисодчи олимлари томонидан ҳар томонлама ўрганилган. Хусусан, Абдуллаев Ё.А., Абдуллаева Ш.З., Бобоқулов Т.И., Иминов О.К., Муллажонов Ф.М., Нурмуродов М.Б., Норқобилов С.Х., Олимжонов О.О., Тошмуродов Ш.М., Каримов Н.Ф., Қодыров А.Қ., Қоралиев Т.М., Холмахмадов З.А. ва бошқаларнинг мақола ҳамда илмий изланишларида ўз ифодасини топган.

**Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи.** Магистрлик диссертация ишида молиявий таҳлилнинг гуруҳлаш,

таркибий, қиёсий, омилли таҳлил усуллари, эксперт баҳолаш ва молиявий коэффицентлар усулларидадан фойдаланилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан тижорат банклари кредит сиёсатини такомиллаштириш ва кредит портфелини самарали бошқаришда, сифатини оширишда қўлланилиши мумкин. Шунингдек, тадқиқот натижалари тижорат банклари келгуси кредит фаолиятида олдиға қўйган мақсадларға эришишида кенг имкониятларни яратиб бериши ва мавжуд муаммоларни ечишнинг амалий йўллари ва усуллари тақдим этади.

Диссертация ишининг материаллари ва асосий ғоялари олий ўқув юртларида “Банк иши”, “Кредит механизми ва унинг элементлари” фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

- тижорат банклари кредит сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари аниқланди;
- тижорат банклари кредит сиёсати мезонлари ва уни тузиш тартибини такомиллаштириш зарурати асослаб берилди;
- тижорат банклари кредит портфели таҳлил қилиниб, уларни самарали бошқариш тизими ишлаб чиқилди;
- ривожланган мамлакатлар тижорат банкларининг кредит сиёсати ва банк кредит портфелини бошқариш тажрибаси таҳлил этилиб, уларни республикамиз банк тизимиға жорий этиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;
- Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит сиёсатини такомиллаштириш ва кредит портфелини бошқаришни ривожлантиришға қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Диссертация таркиби.** Диссертация таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилаган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, объектив аспекти, ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари, илмий-амалий аҳамияти, илмий янгилиги, таркибий тузилиши бўйича қисқача тавсиф баён қилинган.

Диссертациянинг биринчи боби “Тижорат банклари кредит сиёсати ва уни бошқаришнинг назарий, ҳуқуқий ва услубий асослари” деб номланган бўлиб, унда тижорат банклари кредит сиёсатининг иқтисодий моҳияти, банк барқарорлигини таъминлашдаги роли, тижорат банклари кредит сиёсатининг мезонлари ва уни тузиш тартиби, тижорат банкларида кредит портфелини бошқаришнинг назарий-услубий асослари ёритиб берилган.

Иккинчи бобда эса, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит портфелининг қиёсий таҳлил қилинган. Бундан ташқари ривожланган мамлакатлар тижорат банкларининг кредит сиёсати ва банк кредит портфелини бошқариш тажрибаси ўрганиб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида самарали кредит портфелини такомиллаштиришдаги мавжуд муаммолар ва кредит сиёсатини такомиллаштириш, кредит портфелини бошқаришни ривожлантириш йўллари диссертациянинг учинчи бобида кўриб чиқилган.

Ишнинг хулоса ва таклифлар бўлимида эса иш бўйича муаллифнинг ишлаб чиққан хулоса ва таклифлари қисқача баён қилиб ўтилган.

## **Ўбб. Тижорат банклари кредит сиёсати ва уни бошқаришнинг назарий, ҳуқуқий ва услубий асослари**

### **1.1.Тижорат банклари кредит сиёсати: иқтисодий моҳияти, банк барқарорлигини таъминлашдаги роли**

Кредитлашни ташкил этиш кредит муносабатларининг икки субъекти – банк ва қарз олувчининг ўзаро мажбуриятлари ҳамда манфаатларини уйғунлаштиришни назарда тутаяди. Кредитор сифатида банкларнинг олиб борадиган фаолияти улар учун меъёрий бўлган ҳужжат кредит сиёсатида ўз аксини топади. Тижорат банклари кредит сиёсатини мустақил тузадилар.

Ҳар бир банк сиёсий, иқтисодий ташкилий ва бошқа жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, ўз кредит сиёсатини шакллантириши банк кредитлаш фаолиятининг муҳим томони ҳисобланади. Тижорат банкининг кредит сиёсати кредитларни бошқаришнинг асоси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил 2 мартдаги “Тижорат банклари кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомга асосан банкнинг кредит сиёсатига қуйидагича таъриф берилади: “Банкнинг кредит сиёсати – кредитлаш жараёнида юзага келувчи рискларни бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чоралар ва услубларни белгиловчи ҳамда банк раҳбарияти ва ходимлари кредитлар портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи ҳужжатдир. Кредит сиёсати банкнинг кредит фаолияти мақсадларини аниқ кўрсатиши ва аниқлаб бериши шарт”<sup>2</sup>.

Кредит сиёсатида мақсад ва стратегияси, ваколатлар даражаси ва масъулиятни тақсимлаш, шунингдек, кредит турлари, концентрацияси, қарздорларга доир молиявий ахборотлар тўплами, гаров таъминоти ва

---

<sup>2</sup>“Тижорат банклари кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом 02.03.2000 й.

кредит мониторингига нисбатан қўйиладиган талаблар, кредитлар бўйича фоиз ставкаларини белгилаш, банк билан боғлиқ шахслар билан бажариладиган операциялар, балансдан ташқари моддалар, кредит портфелини аудит қилиш ва корпоратив ҳисоботлар ёритилиши лозим.

Кредит сиёсатининг йўналишларида эса, стратегик масалалар, яъни берилаётган кредитларнинг ҳажми ва шакли, қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ўртасидаги нисбат ва ҳамда процедураларга оид молиявий ахборотларни таҳлил этиш жараёни, кредит портфели ҳамда маблағларнинг қайтарилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар акс эттирилиши мақсадга мувофиқдир.

Республикамизда банклари кредит фаолиятида мавжуд рискларни аниқлаш, кредит портфелини бошқариш ва рискларнинг банк кредит портфелига салбий таъсирини камайтириш борасида аниқ услубиёт ёки услубий манбалар етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Шу сабабдан, банк иши амалиётида кредит рискларини комплекс ўрганиш, таҳлил этиш ва уларнинг кредит портфелига салбий таъсирини камайтириш масалаларини ўрганиш ҳозирги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тижорат банклари томонидан кредит операцияларини тўла-тўқис олиб бориш улар томонидан кредит сиёсатининг қай даражада ташкил этилганига боғлиқ. Бу кредитларни бошқаришнинг асоси ҳисобланади.

Оқилона кредит сиёсати банк активлари сифатига таъсир қилувчи асосий омиллардан ҳисобланади. Шу боис, тижорат банклар кредит сиёсатини ишлаб чиқишда минтақавий бўлимларнинг мавқеъи, мавжуд филиаллар сони ва минтақадаги иқтисодий фаолияти жойлашуви, кредит маблағлари манбаларининг юқорилиги, банкнинг жойлардаги рискининг даражаси, муддатлар бўйича мажбуриятлар ва активлар тузилмасини ҳисобга олиши керак. Шунингдек, кредит сиёсатини ишлаб чиқишда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинган асосий тамойилларга алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

Кредит сиёсатининг мазмунини чуқурроқ ўрганиш учун унинг нималардан ташкил топганини билишимиз лозим.

Банкларнинг кредит сиёсати қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

- мақсадни аниқлаш ва натижада банк кредит портфелини шакллантириш (тури, муддати, ҳажми ва таъминот сифати);
- кредитларни бериш, юритиш, қоплаш жараёнларида банк бўлимлари ваколатлари;
- керакли ҳужжатлар рўйхати;
- кредит таъминотини қабул қилиш, баҳолаш ва сотишнинг асосий қоидалари;
- кредит операциялари чегаралари (лимити);
- кредитлар бўйича фоиз ставкаларини ўрнатиш сиёсати;
- кредит аризаларини баҳолаш услублари;
- муаммоли (қийин) кредитларни истиқболини белгилаш (диагностика) ва қийин ҳолатдан чиқиш йўллари таҳлил қилиш.

Банк маблағларини мавжудлиги ва уларнинг ташкилий тузилиши банк кредит сиёсатини олиб борилишини белгилайди. Кредит сиёсати банк ликвидлигига бевосита боғлиқдир.

Банк кредит сиёсати банк хизматчиларининг кредитларни расмийлаштириш, бериш ва бошқариш борасидаги ўз фаолиятларида амал қиладиган стандартлари, миқдори (параметрлари) ва жараёнларини аниқлаб беради.

Банк кредит сиёсати одатда ёзма равишда, қатъий белгиланган ҳужжат тарзида расмийлаштирилади.

Банк кредит сиёсати – бу тижорат банкининг кредит бериш маданиятини англатади. Банк кредит сиёсатини турли босқичларга ва омилларга боғлиқ томонлари мавжуд.

Қуйидаги чизмада кредит сиёсатини белгиловчи макроиқтисодий, регионал ва банк ичидаги омиллар билан танишамиз.

## Банк кредит сиёсатини аниқловчи (белгиловчи) омиллар<sup>3</sup>

Банк кредит сиёсатини аниқловчи омиллар		
<b>Макроиқтисодий омиллар</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Мамлакат иқтисодиётининг умумий ҳолати;</li> <li>• Марказий банк пул-кредит сиёсати;</li> <li>• Ҳукуматнинг молиявий сиёсати.</li> </ul>	<b>Регионал (шўъба) ва тармоқ омили</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Ҳудуд ва тармоқдаги иқтисодий ҳолати (банк бўлимига тегишли);</li> <li>• Мижозлар тузилмаси, уларнинг кредитга бўлган талаби;</li> <li>• Рақобатчи банкларнинг мавжудлиги.</li> </ul>	<b>Банк ичидаги омиллар</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Банкнинг ўз маблағлари (капитали) ҳажми (миқдори);</li> <li>• Пассивлар тузилиши;</li> <li>• Банк персонали (хизматчилари) тажрибаси ва қобилияти</li> </ul>

Банк кредит сиёсатини тўғри ташкил этиш, кредит рискинни камайтиришга хизмат қилади. Ўз навбатида эса, банк кредит портфелини бошқариш тартиби банк кредит сиёсати орқали белгиланади.

Тижорат банклари ишлаб чиқаётган кредит сиёсатларида қуйидагиларга алоҳида аҳамият беришлари лозим:

- кредитларнинг қайтмаслиги хатарини минималлаштириш учун етарлича ликвидли гаров билан таъминланишига ва мақсадли ишлатилишини назорат қилиш бўйича талаблар ишлаб чиқиши;

- хавфсиз ва ишончли фаолият андозаларига мувофиқ кредитлар бўйича таъминотга олинган манбалар банк томонидан кредитни қоплашнинг асосий манбаи деб ҳисобланмаслиги керак. Таъминот манбаси кредит тўлашнинг иккиламчи манбаи сифатида қаралиши;

- кредит бўйича тақдим этилаётган таъминотни таҳлил қилишда таъминотнинг ликвидлигини эътиборга олиши керак. Шунга мувофиқ равишда кредитнинг асосий қарз суммалари ва фоизларнинг қайтарилишини ҳисобга олган ҳолда таъминотни келажакда юзага келиши

<sup>3</sup>И.Р.Тоймухамедов. “Банк иши”. Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти. 2005

мумкин бўлган иқтисодий, сиёсий ва молиявий омилларнинг қўйилаётган таъминот суммасига ўтказиши мумкин бўлган таъсирини эътиборга олган ҳолда унинг реал қийматини баҳолашлари;

- кредит сиёсатида қўйилган талабларни тўғри ва ўз вақтида амалга ошириш, уни доимий равишда мувофиқлаштириб бориши;

- кредит маблағлари кредит гаров билан етарлича таъминланмагунча берилмаслиги керак. Кредитни таъминлаш учун қўйиладиган гаров мураккаб бўлган ҳоллар қўшимча эътибор ва банк юридик хизмати томонидан тасдиқланишини талаб этиши;

- ҳар бир банк ўз кредит портфели сифатини мунтазам таҳлил қилиб бориши ва вазият тақозо этганда, кредит портфели сифатини яхшилаш борасида маълум чора-тадбирлар ишлаб чиқиши;

- банк ўз кредит портфелини мунтазам диверсификация қилиб бориши лозим.

Тижорат банклари иқтисодий фаолиятини ривожлантириши шароитида, кредит сиёсати ва кредит рискларини самарали бошқаришга бўлган зарурияти, бошқа тижорат банклари билан рақобат мезонини ҳисобга олишлари керак. Мазкур сиёсат ва кредит бериш жараёнлари ссуда капитали конъюктурасида талаб ва таклифларининг ўзгариши барқарорлигини кафолатлаш мақсадида кредит сиёсатини амалга оширилиши устидан банк Кенгаши доимий назорат ўрнатиши зарур.

Тижорат банкларининг кредит сиёсатида масъулиятлар тақсимоли долзарб муаммолардан саналади.

Банк кенгаши кредит рисклари стратегиясини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мониторинги учун масъулдир. Шу боис, Кенгаш кредит сиёсатнинг бажарилиш даражаси ва кредитлаш билан боғлиқ амаллар орқали стратегик мақсадларига эришиши натижаларига кўра банк ижро органи раҳбариятининг фаолиятини баҳолайди.

Бошқарув Раисининг ўринбосарлари раҳбарлигидаги кредит бўлинмалари Кенгаш тасдиқлаган кредит рискларини камайтириш

стратегиясини амалга ошириш, шунингдек бутун банк бўйича кредит рискларини аниқлайдиган, мониторингини олиб борадиган ва назорат қиладиган амалларни ишлаб чиқиш учун масъулдир.

Шу боис, банк Кенгаши кредит сиёсатига доир жавобгарликларни қуйидаги омилларда баён этиши мумкин:

- кредитни тайёрлаш;
- кредитни тасдиқлаш жараёни;
- кредит ва портфелни бошқариш ва мониторингини олиб бориш;
- ҳар йиллик инвентаризация, таҳлиллар ва жазо чоралари.

Иқтисодий адабиётлардан бизга маълумки, кредит сиёсатига таъсир этувчи омиллар бўлиб, кредит рисклари энг асосий ўринни эгаллайди.

Шунингдек, кредитни асослаш жараёнларида қуйидаги омилларни эътиборга олиши лозим:

- банк кредит беришнинг аниқ белгиланган ва асосланган мезонлари доирасида ўз фаолиятини олиб бориши керак. Бу мезонлар банк мўлжаллаётган бозорни аниқ кўрсатиши, қарз олувчи ёки унга рақобатчи шерик тўғрисидаги тўлиқ ахборот, шунингдек кредитнинг мақсади ва структурасини ҳамда уни қоплаш манбаларини аниқ белгилашни ўз ичига олади.

- банк қарз олувчилар ва рақобатчи шериклар, шунингдек ўзаро ҳамкорлик қилувчи рақобатчи шериклар гуруҳи даражасида умумий кредит лимитларини белгилаши зарур, бу ҳам банк ва тижорат китобларида, ҳам баланс ва балансдан ташқари ҳисоботларда турли хилдаги рискларнинг жамисини қиёслаш аҳамиятига кўра акс эттирилиши керак.

- банк янги кредитларни тасдиқлаш, шунингдек мавжуд кредитларга тузатишлар киритиш, янгилаш ва қайта молиялашнинг аниқ белгиланган тизимига эга бўлиши керак.

Кредит порфелини бошқаришдаги омилларда:

- банкда турли кредит портфелларини бошқариш тизими мавжуд бўлиши керак.

- банкда алоҳида кредитларнинг ҳолатини мониторинг қилиш тизими мавжуд бўлиши керак, бу тизим ўз ичига шу жумладан захиранинг ўзи ва захирага ажратмалар ажратишнинг мослигини олади.

- банк кредит рискларини бошқаришда кредитлар учун ички рейтинг тизимини ишлаб чиқиши ва фойдаланиши зарур. Рейтинг тизими банк фаолиятининг тури, ўлчамлари ва мураккаблигига мувофиқ бўлиши керак.

- банкда раҳбариятга баланс ва балансдан ташқари фаолиятга тааллуқли кредит рискларини баҳолаш имкониятини берадиган ахборот тизимлари ва таҳлилий технологиялар яратилиши керак. Бошқарув ахборот тизими кредит портфелининг таркиби ҳақида етарли ахборотга эга бўлиши керак.

- банкда портфелнинг умумий таркиби ва сифатини мониторинг қилиш тизими мавжуд бўлиши керак.

- айрим кредитларни ва умуман кредит портфелини баҳолашда банк келажақда иқтисодий шарт-шароитларнинг ўзгариш эҳтимолини ҳисобга олиши, шунингдек ноқулай шароитларда кредит рискларининг даражасини баҳолаши керак

Мавжуд кредит назоратини белгилашда:

- банк кредит рискларини бошқариш жараёнларини мустақил баҳолаш тизимини яратиши керак, бу таҳлилларнинг натижалари эса бевосита Банк Кенгаши ва юқори раҳбариятга тақдим этилиши керак;

- банк кредитларни бериш функциясининг тегишлича бошқарилишини таъминлаши ва кредитлар ички лимитлар ҳамда оқилона стандартлар доирасида берилаётганлигига ишонч ҳосил қилиши керак. Банк амалдаги сиёсат, амаллар ва лимитлардан чекинишлар ҳамда оғишишлар ҳақида чоралар кўриш учун раҳбариятга ўз вақтида хабар берилаётганлигига ишонч ҳосил қилиши учун ички назорат ёки бошқа амалларни белгилаши ва бажариши зарур;

- банкда кредит рискларини бошқариш муаммоларини ҳал қилиш ёки шу каби бошқа вазиятларни бартараф этиш учун шошилиш чоралар қабул қилиш тизими мавжуд бўлиши керак.

Кредит иши қуйида келтирилган жадвалга мувофиқ тақсимланган бўлиши керак. “А” ҳарфи остидаги устунда – амаллар бўлинмаси (Фронт офис), бу ерда тасдиқланган ҳужжатларнинг асл нусхалари, гаров билан таъминланганлиги ва рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар, кредит шартномаси ва қарз гувоҳномаси бўлиши зарур. “В” ҳарфи остидаги устунда – кредит бўлими (Бэк офис) бўлиб, бу ерда юқорида санаб ўтилган ҳужжатларнинг нусхалари ва бошқа барча ҳужжатларнинг асл нусхалари бўлиши керак.

1-жадвал

**Кредитлаш жараёнларидаги кодлаштириш<sup>4</sup>**

Ҳужжатнинг номи ва уни сақлаш жойи	А	В
1. Тасдиқланган кредит талабномаси	О	*
2. Барча молиявий ҳисоботлар		О
3. Таҳлил бўйича ҳужжат, у ўз ичига қуйидагиларни олади: а) Қарз олувчи тўғрисидаги ахборот б) Кредитнинг мақсади ва буюртма деталлари с) Умумий қарз д) Қарз олувчининг кредитни тўлаш қобилияти тўғрисидаги ахборот е) Рискнинг ёзма равишдаги баҳоси ф) Умумий ахборотлар ва тавсияномалар г) Кредитлар тўғрисидаги ҳисоботлар ҳ) Электрон жадваллардаги таҳлиллар		О
1. Тавсифномалар		О
2. Имзоларнинг нусхалари	О	*
3. Таъсис ҳужжатлари	О	*
4. Муддатли мажбуриятлар ёки қарз гувоҳномалари	О	*
5. Кредит шартномалари	О	*
6. Мижоз билан ахборот алмашиниш		О
7. Кредит бошқармаси билан ахборот алмашиниш		О
8. Қарз олувчининг баҳоланиши	О	*
9. Кредитни таъминлаш учун қўйилган гаровнинг баҳоси	О	*
10. Мижоз тўғрисидаги рўзномалар ёки мақолалар		О
11. Муайян тармоқ тўғрисидаги ахборотлар		О

Зарурий ҳужжатлар рўйхати кредит тури, қарз олувчи ва қўйилган гаровга боғлиқ ҳолда тўлдирилиши ёки ўзгартирилиши мумкин. Лекин бу

<sup>4</sup>Юсупов А.А. “Тижорат банкларида самарали кредит портфелини таркиб топтириш муаммолари”  
Изоҳ:О = асл нусха\* = қўчирма нусхаА = Амаллар бўлимиВ = Кредит бўлими

Ўзгартиришлар ҳамда тўлдиришлар кредит рискинни пасайтиришга йўналтирилган бўлиши зарур. Банк кредит шартномаларида қарз олувчининг молиявий ҳолати ёмонлашганда ёки гаров таъминотининг қиймати пасайганда қўшимча ахборот олиш ҳуқуқини белгилаб қўйиши зарур.

Умуман, Банк бўйича кредит ишини ташкил этиш ва расмийлаштириш кетма-кетлиги бўлиши керак.

“Кредит сиёсати” ҳужжатли кредитларни бошқариш жараёнининг пойдеворини ташкил этади. Тижорат банки томонидан ишлаб чиқилган ва ёзма равишда қайд этилган “Кредит сиёсати” кредитларни оқилона бошқаришнинг самарали йўлларида ҳисобланади. Ушбу ҳужжат банкнинг кредитлаштириш фаолиятининг андозалари ва параметрларини белгилаб беради. Ушбу белгиланган стандартлар ва параметрлардан кредит бериш, қарзларни ҳужжатлаштириш ва бошқариш бўйича маъсулиятли бўлган банк хизматчилари қўлланма сифатида фойдаланишлари лозим.

Кредит сиёсати малакали тузилиб, банк раҳбаридан тортиб операторгача барча даражаларда меъёрида амалга оширилса, бу банк раҳбариятига тўғри қарорлар чиқариш, ортиқча рисклардан холос бўлиш, банк кредитларини тўғри баҳолаш имконини беради. Шу билан бирга бир вақтда кредит сиёсати сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий шартларни ҳисобга олган ҳолда анча юмшоқ бўлиши даркор.

Кредит сиёсатининг зарурлиги шундаки, банк катта ёки кичиклигидан, унда кам ёки кўп ходим ишлашидан қатъий назар, банкда бу сиёсат бўлиши лозим. Чунки бу сиёсат кредит бўйича унифицирлашган умумий қоида ва тамойилларнинг бажарилишини, операциялар бажарилишининг кетма-кетлигини таъминлайди. Банкнинг кредит сиёсати банкнинг ҳамма ходимлари – кичик ходимдан ёки банк бошқаруви раисигача бир хил бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам кредит сиёсатини олдиндан белгилаб олинган қоида ва ечимлар тўплами дейилади.

Кредитлаш сиёсати ва унинг самарадорлиги тўғри кредит нархлари белгиланган шароитда муваффақиятли бўлиши мумкин.

Кредит сиёсати сифатига ва ҳолатига қараб банк жалб қилган ресурсларини тўғри жойлаштириш ва олдиндан кўзланган даромад олиш имконияти яратилади.

Тижорат банкининг оптимал кредит сиёсатини харажатларни коплашга имкон берувчи ва маълум даражада фойда келтирувчи оқилона чора-тадбирлар аниқ белгилаб қўйилган ички меъёрий ҳужжат сифатида тавсифлаш мумкин. Тижорат банклари томонидан кредит сиёсатини тўғри ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади, чунки, кредит - банк операциялари ичида асосий ўринни эгаллайди ва даромадларнинг асосий қисмини банк кредитидан келадиган фоиз даромадлари ташкил этади.

Демак, кредит сиёсати банк барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Республикамиз иқтисодиётида кредит қўйилмалри қолдиғи динамикаси ўсиш тенденциясига эга. Қуйидаги жадвалда кредит қўйилмалари қолдиғини ялпи ички маҳсулотга нисбати берилган.

2-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредит қўйилмалари динамикаси<sup>5</sup>**

Кўрсаткичлар	Йиллар								
	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
ЯИМ, млрд. сўм	12189,5	15210	20759,3	22731,4	36839,4	48097	61831	77800	96600
Кредит қўйилмалари умумий суммаси, млрд.сўм	3553,1	3876	4104,2	4777,6	6374,4	8558,2	11539	15700	20400
Тижорат банклари жами кредит қўйилмаларни ЯИМга нисбати, фоиз	29,15	25,48	19,77	21,02	17,3	17,79	18,66	20,17	21,11

Ушбу жадвал маълумотларидан кўринадики, 2004-2012 йиллар мобайнида кредит қўйилмалари мутлоқ миқдорининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Лекин унинг ЯИМдаги салмоғи 2004-2006йилларда пасайиш

<sup>5</sup>Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотлари асосида ҳисобланган.

тенденциясига эга бўлган. Бу салбий ҳолат ҳисобланади ва иқтисодий банк кредитлари билан таъминлашда муаммолар мавжудлигидан далолат беради. Бироқ 2007-2012 йиллар давомида кредит қўйилмаларнинг ЯИМдаги салмоғи ошган ва бу тижорат банклари кредит фаолиятини анча ривожланганлигини ҳамда такомиллашганини билдиради.

Кредит сиёсати тижорат банклари фаолиятида нафақат кредитлаш жараёнининг, балки банкнинг ишончли фаолият юритишининг ҳам зарурий ҳужжати ҳисобланади.

## **1.2. Тижорат банклари кредит сиёсатининг мезонлари ва уни тузиш тартиби**

Кредит сиёсати банкнинг ўзига хос “кредит тили”ни яратади ва у банк фаолияти ёмонлашганда, кредит ваколатлари ҳамда мажбуриятлари ўзгарганда ҳуқуқни сақлаб қолиш учун катта аҳамият касб этади. Қатъий сиёсат банк умумий кредитлаш фаолиятининг ривожланиши ва кредитларнинг самарали ишлатилиши учун замин яратади. Кредит сиёсати қоидаларига риоя этиш банкнинг асосий мақсадлари: фойда олишни таъминлаш, рискларни бошқариш банк фаолияти меъёрларига риоя этишга эришиш имконини беради.

Кредит сиёсатининг мавжудлиги, энг муҳими – барча даражаларда ишлаб чиқилган сиёсатга риоя этиш банк ссуда портфелини сифатли бошқариш учун асос бўлади. Бу эса ўз навбатида, унинг қарздорлари ва акциядорлари фойдасини кўпайтиради ва фаравонлигини оширади.

Ҳар қандай тижорат банки кредит сиёсатининг мақсади одатда қуйидагилардан иборат бўлади:

1. Юқори сифатли активларни ташкил этиш ва даромадлиликнинг доимий мақсадли даражасини тахминлаш имконини берадиган таваккалчиликнинг фақат шундай характериға йўл қўйиш;

2. Юқори сифатли кредит портфелини таъминловчи кредит ходимларининг юқори малакали жамоасини ташкил этиш;

3. Банкнинг стратегик мақсадларига мувофиқ келадиган иқтисодий жиҳатдан истиқболга эга, рентабелли лойиҳаларни молиялаштириш учун ссудалар бериш;

4. Кредит ресурсларини жалб этиш муддатларидан келиб чиққан ҳолда кредитлашни амалга ошириш;

5. Банк миждозлари билан узоқ муддатли, даромад келтирувчи муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашиш;

6. Юқори даражада рақобатбардош, бироқ кредитлашнинг асоссиз, шунингдек, банк амалиётида вақтинчалик истиқболи бўлмаган усуллардан фойдаланишдан чекиниш.

Аниқ бир тижорат банкининг кредит сиёсатида кредит портфелини бошқаришнинг асосий йўналишлари қилиб қуйидагилар белгилаб олинади:

- кредит рисклари даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш, уларни баҳолаш ва бартараф этиш;

- қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиқ даражасини ва унинг молиявий аҳволини аниқлаш кредит рискинни башорат қилиш;

- муамммоли ссудаларни олдиндан аниқлаш ва уларни сўндириш чораларини ишлаб чиқиш;

- кредит қўйилмаларини диверсификация қилишни, уларнинг ликвидлилигини ва даромадлилигини таъминлаш;

- кредит олган миждоз билан доимо алоқада бўлиб туриш;

- кичик ва ўрта бизнес субъектларини, хусусий тадбиркорликни, деҳқон ва фермер хўжалиқларини молиявий қўллаб – қувватлашдан иборат.

Банк томонидан, хўжалиқ субъектларининг айланма маблағлари етишмаслиги, мавжуд маблағларнинг меъеридан ортиқча тайёр маҳсулот қолдиқларига жалб қилиниши, маблағларнинг тайёр маҳсулот сифатида қотириб қўйиш сабабларини ўрганиб бориш, зарарга ишлаётган ва

банкротлик аломатлари кўзга ташланаётган хўжалик субъектларининг молиявий аҳволини доимий мониторингини ташкил қилиш банк кредит сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Кредит сиёсати банк томонидан бериладиган кредитлар тоифаси ва турларини аниқлаши ва белгилаши лозим. Масалан, кредитлаш соҳалари бўйича:

- тижорат фаолияти;
- саноат;
- қишлоқ хўжалиги;
- капитал қўйималарни молиялаш
- бошқа тармоқларга кредит бериш.

Кредитлашнинг асосий шакллари бўйича:

- кредит линияси очиш йўли билан кредитлаш;
- кредит линияси очмасдан алоҳида ссуда ҳисобрақамидан кредитлаш;
- овердрафт;
- контокоррент;
- факторинг;
- форфейтинг;
- лизинг;
- акцептли кредитлаш.

Кредит сиёсатида кредитларни таснифлаш тизими аниқ ифодаланиши лозим, кредит ходимлари кредит портфелидаги барча маълум бўлган салбий ўзгаришлар тўғрисида раҳбариятга хабар беришлари лозим. Қарздор ёки гаров аҳволи ёмонлашишини олдиндан аниқлаш эҳтимолий йўқотишларни камайтириш учун жуда муҳимдир.

Кредит сиёсати кредитларнинг барча тоифалари бўйича “тўловсизлик” тушунчасининг аниқ ифодаланиши, фоизларни ўстирмаслик мезонлари, шунингдек, банк Бошқаруви ва Кенгашининг тегишли ҳисоботларига нисбатан талабларни ўз ичга олиши лозим. Кредит

сиёсатида қарзларни қайтаришга доир изчил, босқичма-босқич чоратadbирлар кўрилишини талаб қилиши керак. Рахбарият Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ кредитларни ҳисобдан чиқариш тadbирларини ишлаб чиқиши лозим.

Кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва ижро этиш юзасидан жавобгарлик банк Кенгаши ва Бошқаруви аъзоларига юклатилган. Одатда тижорат банкининг кредит сиёсати йўналишлари қуйидагилардан ташкил топиши мумкин:

- банк ўрни ва обрўсини молиявий-барқарор банклар сингари яхшилаш;

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки нормативларига мувофиқ даражада ўз капиталининг етарлилигини таъминлаш;

- банкнинг самарадорлиги ва барқарорлигини қўллаб-қувватлаган ҳолда унинг даромадларининг максималлашувини таъминловчи аниқ кредит ва инвестиция сиёсатини ўтказиш;

- стратегик жиҳатдан муҳим бўлган шаҳар, туманларда янги омонат кассаларини очиш билан боғлиқ бўлган банк тармоғини кенгайтириш.

Кредитлаш жараёнида банк сиёсати банк олдидаги мажбуриятларни бажара оладиган мавжуд янги мижозларни кредит ресурслари билан таъминлаш, синф даражасидаги кредитларни тақдим этишни кенгайтириш ҳисобланади. Тижорат банки фойдалилигини ҳисобга олган ҳолда халқаро стандартлар миқёсида мижозларга сифатли кредит хизматини тақдим этишга интилади. Шунинг учун банк кредит сиёсатини асосий тамойилларига қуйидагилар киритилган:


- кредитлаш тўғрисида қарорлар қабул қилишнинг барча даражалари бўйича жавобгарликни тақсимлаш;

- банк томонидан амалга ошириладиган кредит операциялари учун аниқ белгиланган шартларнинг мавжудлиги;

- махсус кредитлаш тамойиллари – муддатлилик, тўловлилик, кайтариб беришлилик, таъминланганлик ва рентабеллик асосида бериладиган кредитларни мажбурий назорат қилиш;

- банк бошқарувининг умумий сиёсати билан махсус фаолият йўналишлари сиёсати (яъни депозитлар бўйича, инвестиция бўйича, активлар ва пасивларни бошқариш бўйича ва хоказо)нинг узвий боғлиқлигидир.

2- чизма



Ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, тижорат банкларининг кредит сиёсатини амалга ошириш амалиётининг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Банк томонидан берилган кредитларнинг иқтисодиётнинг тармоқлари ўртасида жойлаштирилганлик ҳолати.

Ушбу йўналишнинг аҳамияти шундаки, тижорат банклари кредит портфелини диверсификация қилишнинг асосий мезонларидан бири кредитларни мижозларнинг тармоқ хусусиятига кўра жойлаштирилганлиги ҳисобланади. Шу жихатдан олганда, ушбу йўналиш кредит сиёсатининг

<sup>6</sup> Иқтисодий адабиётлар маълумотлари ёрдамида муаллиф томонидан тузилган

самарадорлигини белгилашда ҳисобга олинган асосий омиллардан бири ҳисобланади.

2. Тижорат банки томонидан берилаётган қисқа ва узоқ муддатли кредитларнинг ўзаро нисбати.

Тижорат банклари фаолиятининг мазмунига кўра, аввало, қисқа муддатли кредитлаш институтлари ҳисобланади. Улар хўжалик субъектларининг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжларини қондиришда муҳим роль ўйнайди.

Кўпчилик ривожланаётган давлатларда инфляция даражасининг нисбатан юқори ва нобарқарор эканлиги тижорат банкларининг кредит портфелида қисқа муддатли кредитларнинг салмоғининг янада ошишига сабаб бўлади.

Инфляция даражаси нисбатан юқори бўлмаган ва барқарор бўлган шароитда узоқ муддатли кредитлар ҳажмини ошириш тижорат банки даромад базасини мустаҳкамлашнинг синалган усулларида бири ҳисобланади.

3. Тижорат банклари томонидан берилган жами кредитлар ҳажмида муддати ўтган кредитлар салмоғининг ўзгариши.

Тижорат банклари томонидан берилган жами кредитлар ҳажмида муддати ўтган кредитлар салмоғининг ўзгариши кредит сиёсатининг самарадорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Ривожланган хорижий давлатларда банк амалиётида, хусусан, Ғарбий Европа давлатларининг банк амалиётида муддати ўтган кредитлар жами кредит қўйилмалари ҳажмидаги салмоғини 3 фоиздан ошмаслиги нормал ҳолат ҳисобланади. Бу кўрсаткичнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган чегаравий миқдори 5 фоизни ташкил қилади.

4. Кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг жами фоизли даромадлар ҳажмидаги салмоғининг барқарорлигини таъминлаш.

Тижорат банкининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг бирламчи омилларидан бири кредитлардан олинган фоизли

даромадларнинг жами фоизли даромадлар ҳажмидаги юқори ва барқарор даражасини таъминлаш ҳисобланади. Бунинг боиси шундаки, кредитлаш тижорат банклари фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланади. Шунинг учун банклар ялпи даромадининг асосий қисмини кредитлаш фаолиятидан олишлари лозим.

#### 5. Кредитлаш шаклларида фойдаланиш даражаси.

Кредитлаш шаклларида тўлақонли тарзда фойдаланиш кредит сиёсатининг самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Кредитлаш шакллари банкнинг кредитлаш имкониятини оширишга бевосита таъсир қилади.

Ҳозирги вақтда, республикада банк амалиётида кредитлашнинг асосан икки шаклидан фойдаланилмоқда. Булар миқдорли алоҳида ссуда ҳисобрақамидан кредит линияси очмасдан туриб кредитлаш шакли ва факторинг шаклидир.

Республикада тижорат банклари томонидан кредитлашнинг овердрафт, контокоррент, кредит линияси очиш йўли билан кредитлаш, форфейтинг шаклларида фойдаланилмаётганлиги уларнинг кредит сиёсатининг самарадорлигига салбий таъсир қилади.

6. Фоизларни ўстирмаслик мақомига эга бўлган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар миқдорининг ўзгариши.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 2 декабрдаги “Тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоизларни ўстирмаслик сиёсати тўғрисида”ги Низомга кўра, банклар куйидаги ҳолларда кредитларга фоиз ҳисоблашни тўхтатадилар:

а) бир йилгача муддатга берилган кредитлар учун кредитнинг асосий суммасини ва фоизларни тўлаш 90 кун ва ундан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда, яхши таъминланган ва тиклаш жараёнидаги кредитлар бундан мустасно;

б) бир йилдан ортиқ муддатга берилган кредитлар учун кредитнинг асосий суммасини ва унга ҳисобланган фоизларни тўлаш 90 кун ва ундан

ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда, яхши таъминланган ва тиклаш жараёнидаги кредитлар бундан мустасно;

в) берилган кредитнинг асосий суммаси ёки унга ҳисобланган фозларни қайтарилиш муддати неча кунга кечиктирилганлигидан қатъий назар банкларда шубҳа уйғотган ҳолда.

Фоиз ҳисоблаш тўхтатилган кундан бошлаб ҳисобланган фоизлар суммаси тегишли фоизли даромадлар ҳисобрақамидан чегириб ташланиши лозим. Бунда тегишли фоизли даромадлар ҳисобрақами дебетланади, 16309-“Ҳисобланган, лекин ундирилмаган фоизлар” ҳисобрақами кредитланади.

7. Банкларнинг кредитлаш фаолиятида гаров объектларидан фойдаланиш самарадорлиги.

Республикамиз тижорат банкларининг фаолиятида кредитларни гаров асосида бериш кредит сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, гаров объектларидан унумли фойдаланиш масаласини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда асосий эътибор гаров объектларини сотиш эвазига кредитларнинг асосий қарз суммаси ва уларга ҳисобланган фоизларни ундиришга қаратилади.

8. Тижорат банкларининг етарли даражада барқарор ресурс манбаларига эга эканлиги.

Тижорат банкларининг самарали кредит сиёсатини амалга ошириш имконияти бевосита уларни етарли даражада кредит ресурслари билан таъминланганлигига боғлиқ.

Ҳозирги кунда кредит сиёсатини тузишда ҳар бир тижорат банки мустақил бўлиб, улар кредит сиёсатининг моҳияти, мақсади ва таркибини такомиллаштириб бормоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида банкларнинг фаолиятида хўжалик субъектларини кредитлаш функцияси биринчи даражали аҳамиятга эга бўлганлиги учун банклар фаолиятининг самарадорлиги ва ликвидлилигини таъминлаш учун авваламбор, банкларнинг кредит сиёсатини турли ишлаб

чиқишга эътибор бериш зарур. Банклар оладиган даромадлар унинг актив операциялари натижасида, асосан кредит операциялар туфайли вужудга келиши банклар томонидан кредит сиёсатини оқилона танлаш ва ўтказишни тақозо қилади.

Кредит сиёсати банк стратегиясининг бир бўлаги сифатида кредит бозорида банкнинг ҳаракат қилишидан кўзлаган мақсадини, тамойилларини ва йўналишларини ўз ичига олади, тактик жиҳатдан эса молиявий ёки бошқа инструментларни, кредит битимларни амалга оширишдан банкнинг мақсадларига эришиш йўналишларини ва қоидаларини, ҳамда кредит жараёнини ташкил этиш тартибларини ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Юқорида келтирилган фикрлар асосида хулоса қилиб айтганда, кредит сиёсати кредит рискларни камайтириш орқали банкнинг хавфсизлиги, ликвидлилиги ва рентабеллигини таъминлаш мақсадида кредитлаш бўйича олдиндан белгиланган қоида ва ечимлар мажмуаси асосида ташкил қилинган кредит портфелини бошқариш соҳасидаги банкнинг стратегияси ва тактикасидир. Ҳар бир банк сиёсий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа омилларни инобатга олган ҳолда мустақил ўзининг кредит сиёсатини ишлаб чиқиши ва олиб бориши мумкин.

Одатда ссуда операциялари банк фойдасининг асосий қисмини ташкил қилади. Шунини инобатга олган ҳолда банклар ўз кредит сиёсатини ишлаб чиқишда ва олиб боришда ссуда операцияларидан келадиган даромад ва уларнинг самарали олиб борилишига катта эътибор беришлари лозим. Банкнинг кредит операцияларини олиб бориш ва уларнинг самарадорлиги учун жавоб бериш банкнинг директорлар кенгаши зиммасига юклатилади. Директорлар кенгаши кредитларни бериш билан боғлиқ вазифаларни бошқарувнинг қуйи табақаларига юклайди.

Кредит сиёсати ҳайъати кредитни қайси соҳаларга бериш, кредит беришнинг умумий тамойиллари, уни беришдаги чекланишлар ва

бошқаларни ишлаб чиқади ҳамда шуларнинг амалга оширилишини назорат қилиб бориши лозим.

### **1.3.Тижорат банкларида кредит портфелини бошқаришнинг назарий-услубий асослари**

“Кредит портфели” тушунчаси иқтисодий адабиётларда турлича таърифланади. Айрим олимлар кредит портфелига кенг тушунча бериб, унга банкнинг барча молиявий актив ва пассивларини киритса, айримлари эса ушбу тушунчани банкнинг фақатгина ссуда операциялари билан боғлашади.

О.И.Лаврушиннинг фикрича, тижорат банки кредит портфели ўзида ссуда кўринишидаги барча банк активлари - рўйхатга олинган векселлар, банклараро кредитлар ва депозитлар ҳамда бошқа кредит кўринишидаги талабларни маълум мезонлар асосида сифат гуруҳлари бўйича таснифларини мужассамлаштиради.

Ш.З. Абдуллаева “Банк рисклари ва кредитлаш” номли китобида кредит портфелини кенгроқ илмий асослаб берган.Унда кредит портфелининг моҳиятини очиб беришда қуйидаги омилларни инобатга олиниши зарурлиги айтилган:

- кредитлар бўйича риск даражаси;
- кредит бериш объектлари;
- кредитдан фойдаланиш муддати;
- кредитнинг ҳажми ва таъминлаганлиги;
- миждознинг молиявий ҳолати, мулк шакли ва бошқалар. Шуларни инобатга олган ҳолда кредит портфелига қуйидагича таъриф бериш мумкин. Банкларнинг кредит портфели – бу турли хил кредит рискларига асосланган муайян мезонларга қараб туркумланадиган кредитлар миқёсидаги банк талабларининг йиғиндисидир.

Кредит портфели фақат нормал кредитларни эмас, балки муддати ўтган кредитларни ҳам ўз ичига олади. Кредит портфелини моҳиятини чуқурроқ тўғри англаш уни таҳлил қилишга ёрдам беради. Чунки унда:

- берилган кредитлар бўйича рисклилиқ даражасини ифодаловчи мезонлар;
- банкнинг барча берган кредитлари бўйича талаблари йиғиндисини ҳисобга олиш зарурлиги;
- кредитларнинг асосий мезонлари бўйича туркумлаш лозимлиги ва бошқалар ўз аксини топган.

Банкнинг молиявий бозордаги мавқеи унинг кредит портфелини шакллантириш ва уни бошқаришдаги муваффақиятлари билан чамбарчас боғлиқдир. Тижорат банкининг кредит портфели деганда турли хил кредитрисklarга асосланган муайян мезонларга қараб туркумланган рисклар миқёсидаги банк талабларининг йиғиндиси тушунилади.

Кредит портфелини тўғри шакллантириш тижорат банкининг самарали ва барқарор фаолият кўрсатишининг асосий мезони ҳисобланар экан, ҳар қандай тижорат банки кредит портфелининг сифатли бўлишини таъминлашга ҳаракат қилади. Тижорат банклари кредит портфелининг сифати ва шаклланиши унинг таркибий қисмига бевосита боғлиқдир.

Кредит портфелини шакллантириш мураккаб жараён бўлиб, ўзида нафақат кредит сиёсати ва унинг стратегияси, балки назорат тизимини йўлга қўйиш жараёнларини мужассамлаштиради. Шу билан бирга, кредит портфелини шакллантириш жараёни динамик характерга эга бўлиб, доимий равишда ҳаракатдадир.

Кредит портфелини шакллантириш банк томонидан кредитнинг асосий тамойилларига риоя этишни, риск даражасини инобатга олган ҳолда кредитлар сифатини белгилаш ва туркумлашни, кредитлар бўйича зарурий захираларни ташкил этишни ва кредит портфели сифатини яхшилаш борасида чора-тадбирларни ишлабчиқишни талаб этади.

Кредит портфелини бошқариш бу - мавжуд кредит ресурсларидан самарали фойдаланиш санъати демакдир, яъни самарали бошқарув натижасида кредит ресурслари нафақат ўзининг қийматини сақлаб қолади, балки сезиларли даражада даромад келтиради.

Кредит портфелини бошқаришнинг асосий босқичлари қуйидагилардан иборатдир:

1. Кредитнинг мақсади, яъни бошқариш стратегияси детерминантларини аниқ белгилаб олиш;

2. Турли кредитларнинг даромадлилик даражаси тўғрисидаги тахминга эга бўлиш;

3. Танлаб олинган воситаларнинг оқилона нисбатини таъминлаш мақсадида тахминлар устуворлигини аниқлаш;

4. Портфель таркибида туб ўзгаришларга сабаб бўлувчи омилларни доимий тарзда таҳлил қилиш ва ўрганиш;

5. Портфель фаолиятини баҳолаш, яъни кредитрискига нисбатан портфелдан олинадиган даромадларга баҳо бериш.

Кредит портфелини бошқаришнинг таркибий қисмларини батафсилроқ кўриб чиқсак, кредит портфелини шакллантиришнинг муҳим шартларидан бири кредитнинг мақсадини аниқ белгилаб олишдан иборат. Кредит мақсадидан келиб чиқиб, кредитларни қуйидаги гуруҳларга ажратишимиз мумкин:

а) капиталнинг ўсиши, яъни келажакда барқарор даромадлар олишга мўлжалланган узоқ муддатли кредитлар;

б) тез муддатларда даромад олиш, яъни спекулятив даромадларни олишга мўлжалланган қисқа муддатли кредитлар.


Агар кредит берувчи бозор ҳолатини яхши башоратлай олишига ишонса, у ҳолда у ўзининг кредит портфели таркибини бозор ўзгаришларига қараб ўзгартириши мумкин. Ва ниҳоят, кредит берувчи истиқболли соҳаларни аниқ билса, у ҳолда у диверсификациялашдан воз

кечиши ва кредит ресурсларини энг юқори даромад берувчи соҳаларга жойлаштириши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз тижорат банкида кредит даражасини оптималлаштириш мақсадида унинг самарали кредит портфелини таркиб топтириш йўналишларини қуйидагича ифодалашимиз мумкин.

3-чизма

### Тижорат банкининг самарали кредит портфелини таркиб топтириш йўналишлари<sup>7</sup>



Чизмадан кўриниб турганидек, самарали кредит портфелини таркиб топтиришда тижорат банки ресурсларни жойлаштириш соҳасидаги учта муҳим йўналишнинг оқилона нисбатига эришишга ҳаракат қилиши лозим:

1. Инвесторларни қимматли қоғозларга маблағ киритишини таъминлаш ресурсларни оқилона жойлаштиришнинг асосий йўналиши бўлиб, миллий иқтисодиёт ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

<sup>7</sup>Иқтисодий адабиётлар асосида тузилган.

2. Ресурс жойлаштиришнинг истиқболли йўналишларидан бири жисмоний шахсларни кредитлашдан иборат. Чунки кредитлашнинг ушбу йўналиши нафақат рискни диверсификация қилиш, балки яхши даромад кўриш имкониятини ҳам беради.

3. Ўзбекистон Республикасининг истиқболли корхоналари билан узоқ муддатли ҳамкорлик қилиш орқали юқори дивидендли даромадлар олиш ва ушбу корхоналарни бошқаришда иштирок этиш.

Банклар ўз фаолиятини такомиллаштириш, хусусан, кредит портфелини соғломлаштириш мақсадида мижозларнинг истеъмол ва бошқа эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган банк депозитлари ҳамда суғурта ва кредит депозитларининг муштарақлигини таъминловчи янги молиявий маҳсулотларни тақдим этиш орқали аҳолининг жамғариш ва инвестицион фаоллигини рағбатлантириш асосида жисмоний шахслар билан ишларни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Тижорат банклари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг маблағларини қарз мажбуриятларини эмиссия қилиш ва банк сертификатларини чиқариш йўли орқали жалб этиш амалиётини кенг жорий этилмоқда. Бундай амалиётдан мақсад ушбу ресурс турининг банк томонидан жалб қилинган жами маблағлардаги улушини оширишдир.

### **I боббўйича хулоса**

Хулоса қилиб айтганда, кредит сиёсати – банк кредит ресурсларини жойлаштириш соҳасидаги қарорлар қабул қилиш имконини берувчи қоида ва чекланишлар мажмуи ҳисобланади.

Тижорат банклари активларининг 80-90 фоизини кредитлар ташкил этади. Уларнинг асосий даромад манбаи ҳам кредитдан келадиган фоизлар ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир тижорат банки оқилона кредит сиёсатини ишлаб чиқиши ва унга амал қилиши банк барқарорлигини таъминлайди.

Кредит портфели атамаси бўйича тадқиқот олиб борган олимларнинг фикрларини умумлаштирган ҳолда қуйидагича муаллиф таърифни келтиришимиз мумкин: “Банкнинг кредит портфели қисқа муддатли, узоқ муддатли ва муддати ўтган кредитлар бўйича баланс ҳисобварақларидаги маблағларнинг қолдиқларидан ташкил топади”.

Банк кредит портфелининг таркиби банкнинг кредит сиёсатини яққол намоён қилади. Тижорат банкларининг кредит сиёсати алоҳида ҳужжат сифатида ишлаб чиқилади ва банк кенгаши томонидан тасдиқланади.

Шундай қилиб, банкнинг кредит сиёсатини ишлаб чиқиш банк фаолиятини тартибга солиб турувчи органлар томонидан белгиланган андозалар (стандарт)га амал қилиш ва фойда келтирувчи кредитлар беришни таъминловчи механизмлардан биридир.

Кредит портфелини бошқариш бу - мавжуд кредит ресурсларидан самарали фойдаланиш санъати демакдир, яъни самарали бошқарув натижасида кредит ресурслари нафақат ўзининг қийматини сақлаб қолади, балки сезиларли даражада даромад келтиради.

Кредит сиёсатида банк кредит портфелини вақти-вақти билан баҳолашга жавобгар бўлган мансабдор кредитлар рўйхатини белгилаш ҳамда кредит портфели сифатини аниқлаш ва тузатишлар юзага келувчи минимал йўқотишлар билан киритилиши учун муаммоли кредитларни аниқлаш учун зарур бўлган ички банк кредит таҳлили мақсадларини белгилаб қўйиши лозим.

## **ШБоб. Ўзбекистон Республикаси банкларининг кредит портфелини бошқариш тартиби ва уни таҳлили**

### **2.1.Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит портфелининг қиёсий таҳлили**

Тижорат банклари фаолиятининг барқарорлиги ва рақобатбардошлиги уларнинг ресурсларини тўғри ташкил қилиш ва улардан оқилона фойдаланишга боғлиқ. Шунини таъкидлаш лозимки, тижорат банкларининг депозит ва кредит портфелини ташкил қилиш, бошқариш, уни диверсификация қилиш соҳасида қатор ечилмаган муаммолар мавжуд.

Бозор иқтисодиёти кенг ривожланган мамлакатларда тижорат банкларининг кредит сиёсати, уларнинг кредит портфели ва унинг сифати, ундан фойдаланиш даражасига катта эътибор берилади. Банклар фаолиятида кредит операциялари асосий ўринни эгаллагани учун уларнинг кредит портфелини тўғри ташкил қилиш банкларнинг самарали ва барқарор фаолият кўрсатиши учун имконият яратиб берувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Кредит операцияларини олиб боришда йўл қўйиладиган камчиликлар банклар даромадининг камайишига, баъзи ҳолларда уларнинг синиб кетишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли банкларнинг кредит портфели ва унинг сифатини назорат қилиб бориш тижорат банкларининг самарали фаолияти гаровидир.

Банклар томонидан бажариладиган барча кредит операциялари уларнинг кредит портфелида ўз аксини топиши, ҳар бир банк кредит портфелининг сифатли бўлишига эришиши зарур. Бу эса кредитларнинг ўз вақтида қайтиб келишига асос бўлиши мумкин.

Банкларнинг кредит портфелини ташкил қилишнинг асосий мақсади банкнинг кредит сиёсати соҳасидаги стратегиясини ишлаб чиқиш, кредитларнинг сифатини таҳлил қилиш ва уни яхшилаш соҳасида чоралар

ишлаб чиқишдан иборат. Кредит портфелини ташкил қилиш кредитлашни ташкил қилиш тамойилларига асосланган бўлмоғи лозим.

Кредит портфелининг сифатини доимий равишда назорат қилиш тижорат банклари фаолиятининг самарадорлигини ошириш гаровидир. Уларнинг кредит портфелини оқилона бошқариш эса кредит рискларини камайтиришнинг асосий омилларидан ҳисобланади. Шунини қайд қилиш лозимки, банкларнинг молиявий ҳисоботлари ва бошқа қўшимча маълумотлари улардаги активлар сифатининг реал ҳолатини, шунингдек кредит портфели бўйича мавжуд муаммоларнинг банк даромадига таъсирини аниқ эътибори лозим. Бундай маълумотларнинг йўқлиги нафақат банк акциядорлари ёки Марказий банк ва бошқа манфаатдор томонларни қўқоқтириб қўймасдан, балки банкнинг ўзига ҳам рискларни бошқариш жараёнида зарар етказиши мумкин.

Банкнинг кредит портфели ва унинг сифати тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлмаслик, зарур ҳолларда олдиндан чоралар кўрилмаслик натижасида муаммоли кредитлар юзага келиши мумкин. Муаммоли кредитлар банклардаги рискларни минимал даражага етказишга тўсик бўлиб туради. Кредит портфели сифати ҳақида объектив маълумотларнинг йўқлиги банк раҳбарияти томонидан банкнинг кредит сиёсатига зарур ўзгартиришлар киритилишига ҳам ҳалақит беради.

Кредит портфелини бошқаришда асосий ўринни алоҳида олинган ссудаларнинг сифатини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва уларни баҳолаш асосий ўринни эгаллайди.

Жаҳон амалиётида банклар томонидан берилган кредитларнинг сифатини баҳолашнинг 10 хилдан ортиқ йўналишлари мавжуд. Кредитнинг сифатини баҳолаш кредитнинг мақсади, уни тўлаш усули, мижознинг кредитга лаёқатлилиги даражаси, унинг қайси тармоққа таълуқли эканлиги ва мулк шакли, мижознинг банк билан муносабатининг характери, банкнинг мижоз тўғрисидаги тўлиқ ахборотга эга эканлиги ва

унинг етарлилиги даражаси, ссудаларнинг таъминланганлиги, ҳажми ва бошқа мезонлар киради.

Банк активларининг сифатини аниқлашга уларнинг кредит портфелини ўрнатилган меъёрлар асосида тавсифлаб чиқиш орқали эришилиши мумкин. Ўзбекистонда 1996 йил июлидан бошлаб Марказий банк тасдиқлаган кўрсатмага асосан тижорат банклари активларини тавсифлаш ва ссудалар бўйича йўқотишлар бўйича резервларни ташкил қилиш амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банки тўғрисида”ги ва “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунларига асосан активларни тавсифлаш, муаммоли ёки ҳаракатсиз кредитлар бўйича резервларни ташкил қилиш амалга оширилмоқда.

Бу меъёрий ҳужжатга асосланиб банклар томонидан берилган кредитлар бўйича қарзларнинг сифати, миқдорнинг кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичлари, унинг молиявий ҳолати, кредит рискининг даражаси, келажакда кредитни қайтиб бериш имконияти, кредитнинг таъминланганлик даражасини, кредитни тўлаш муддатидан неча кун ўтганлигини кабиларни инобатга олган ҳолда гуруҳларга таснифланади. Кредитларни таснифлашдан асосий мақсад қарз олувчининг тўлай олиш қобилиятини ҳамда қарзнинг ўз вақтида қайтарилиши учун пул оқиминининг ҳолатини баҳолашдан иборат.

Кредитларни таснифлаш қарз олувчининг фаолиятини қуйидаги мезонлар орқали баҳолашдан бошланиши керак:

- миқдорнинг шартлари тарихи;
- тармоқнинг келажак ва анъанавий ривожланиш усуллари;
- корхонанинг умумий ҳолати;
- кредитланадиган лойиҳанинг ҳолати ва самарадорлиги;
- корхонанинг молиявий ҳолати;
- корхонада бошқарув ва раҳбарлик сифати;
- корхонанинг ривожланиш режаси, стратегияси ва бошқалар.

Қуйидаги жадвалга асосан тижорат банклари томонидан миқдорнинг

кредитга лаёқатлилиқ қобилияти даражаси аниқланади:

3-жадвал

**Синфлар бўйича кредит қайтариш қобилияти асосий кўрсаткичлари талаблари<sup>8</sup>**

Т/р	Номланиши	1 синф	2 синф	3 синф	4 синф
1	Қоплаш коэффициентлари	$ҚК \geq 2,0$	$2 > ҚК \geq 1,0$	$1 > ҚК > 0,5$	$0,5 > ҚК > 0$
2	Ликвидлик коэффициентлари	$ЛК \geq 1,5$	$1,5 > ЛК \geq 1,0$	$1 > ЛК > 0,5$	$0,5 > ЛК > 0$
3	Мухторият коэффициентлари	$МК \geq 60\%$	$60\% > МК \geq 30\%$	$30\% > МК > 15\%$	$15\% > МК > 0\%$

1 – синфга мансуб корхоналар умумий тартибда кредитланадилар. Уларга нисбатан баъзи имтиёзлар берилиши мумкин, яъни ишончли кредит бериш, қонунда ва банкнинг ички кредит сиёсатида кўрсатиб ўтилган имтиёзлар қўлланилиш мумкин;

2 – синфга мансуб корхоналар ҳам умумий тартибда, қўшимча ижобий кўрсаткичлар мавжуд бўлган тақдирда баъзи имтиёзлар қўлланган ҳолда кредитланиши мумкин (ишончли кредитлар бериш бундан мустасно);

3 – синфга мансуб корхоналар кредитга лаёқатсиз деб ҳисобланиб, уларни кредитлаш фақат юқори фоиз ставкаларини қўллаган ҳолда, юқори ташкилот кафолати ёки юқори ликвидлиги мулкни гаровга қўйиш йўли билан амалга оширилиши мумкин;

4 – синфга мансуб корхоналар кредитланмайди. Лекин ҳукуматнинг алоҳида қарорларига кўра истиснолар қўлланиши мумкин.

Тижорат банклари кредитлаш амалиётида муаммоларнинг мавжудлиги кредит портфели сифатининг ёмонлашувига олиб келади. Бу эса банкларнинг тўловга қобиллиги ва ликвидлигининг пасайишига сабаб бўлади.

<sup>8</sup> И.Р.Тоймухамедов. “Банк иши”. Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти. 2005 й.

Иқтисодийни модернизациялаш босқичида республикамиз тижорат банкларининг кредитлаш амалиётидаги айрим муаммоларнинг мавжудлиги кўзга ташланмоқда. Республикамининг айрим банкларида муддати ўтган кредитларнинг жами кредит қўйилмалари ҳажмидаги салмоғининг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Юқорида қайд этилган кредит портфелидаги камчиликлар қисқа муддатли кредитларга хос бўлиб, уларни чуқур таҳлил қилиш тижорат банклари кредитлаш жараёнини мўътадиллаштиришни тақозо этмоқда.


Тижорат банклари кредит портфелининг сифатига баҳо бериш учун биринчи навбатда банк томонидан берилган кредитларнинг таркиби ва динамикаси таҳлил қилинади ва мавжуд бўлган тенденциялар аниқланади. Ушбу таҳлил тижорат банки кредит портфелининг диверсификация даражасига, даромадлилигига баҳо бериш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан мамлакат иқтисодийётига ажратилган кредит қўйилмаларининг ўсиши қисқа муддатли ёки узок муддали кредитлар ўсиши эвазига ўзгаришини таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли тижорат банклари томонидан берилган қисқа ва узок муддатли кредитларнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Банкларнинг капиталлашув даражасини ва ликвидлилигининг оширилиши уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратилади. Шу билан бирга, кенг кўламли ислохотларни амалга оширишда банкларнинг инвестиция кредитлари орқали иштирокини таъминлаш учун барқарор ресурс базаси шакллантирилади.

Қуйидаги диаграммадан кўришиб турибдики, сўнгги 5 йилда мамлакатимиз тижорат банкларининг умумий капитали 2,9 баробар кўпайди ва бугунги кунда 6,2 триллион сўмдан ошиб кетди.


1-диаграмма  
**Тижорат банклари капиталининг ўсиш динамикаси**<sup>9</sup>  
 (трлн. сўм.)



Сўнгги 5 йилда тижорат банкларининг умумий активлари салкам 3,0 баробар ўсди.

Қуйидаги диаграммадан кўриниб турганидек, банк активлари ўтган йилга нисбатан 30,2 фоиз ўсиб, 35,7 триллион сўмга етди.

2-диаграмма  
**Тижорат банкларининг жами активлари динамикаси**<sup>10</sup>  
 (млрд.сўм.)



Банклар капитали ва депозитларининг юқори суръатларда ўсиши, ўз навбатида, уларнинг иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлашдаги иштирокини фаоллаштиришга, банк активлари ва кредит

<sup>9</sup>[www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)сайти маълумотлари

<sup>10</sup>[www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)сайти маълумотлари

кўйилмалари ҳажмининг кўпайишига ижобий таъсир қилди. Республикамиз банк амалиётида кредитлаш шаклларида кенг фойдаланиш миждозларнинг кредитларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ кондиришга, банкларнинг кредит операциялари кўламини кенгайтиришга, кредит рискинни маълум даражада минималлаштиришга ва ниҳоят, банкларнинг кредит операцияларидан оладиган даромадларини ошишига олиб келди.

Ички манбалар ҳисобидан берилган кредитларнинг тижорат банклари кредит портфели умумий миқдоридоги улуши 85,8 фоизини ташкил этди. Муддати уч йилдан кўп бўлган узоқ муддатли кредитлар 30,9 фоиз ошди ва жами кредит портфелининг 76,8 фоизини ташкил этди. Шу билан бирга банк кредит портфелининг тузилмаси ҳам ўзгарди. 2010-2011 йилларгача уларнинг катта қисми ташқи мажбуриятлар ҳисобига шаклланган бўлса, шу йиллардан бошлаб ички манбалардан бериладиган кредитлар ҳажми кескин ошди. Ташқи қарзлар асосан узоқ муддатга, фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинмоқда.

Кредит портфели тўғрисида ташкил этилиши тижорат банкларининг самарали фаолият юритиши учун асос ҳисобланади. Банкларнинг кредит портфелининг кредитнинг риск даражаси, тармоқлар тузилиши, кредитнинг мақсади, муддати, кредит ҳажми, таъминланганлик шакли, ресурс манбаси ва мулкчилик шакллари бўйича таҳлил қилиш мумкин.

Банк кредит портфели, ўз тузилишига кўра, хилма хилдир. Унда иқтисодиётнинг турли соҳалари қамраб олинган. Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан тақдим этилаётган кредитлар бугунги кунда автомобилсозлик, нефть-газ, кимё, электротехника каби юқори технологияли ва стратегик муҳим тармоқларда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Сўнгги йилларда тижорат банкларининг иқтисодиёт реал секторига йўналтирилган кредитлар

миқдори йилдан йилга ўсиб бормоқда. Хусусан, ўтган йили иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар умумий ҳажми 2011 йилга нисбатан 30,5 фоиз кўпайди ёки уларнинг миқдори 20,4 трлн. сўмга етди. 2012 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар ҳажми 2011 йилга нисбатан 1,3 баробар ошди.

Тижорат банклари томонидан ўтган йили халқаро молиявий институтлар ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг кредит линиялари ва грантлари ҳисобидан 181,7 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Ушбу кўрсаткич ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробар ошди.

Иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 2011 йилнинг 1 январидан йиллик ҳисобда 14 фоиздан 12 фоизга туширилди ва йил давомида ўзгартирилмасдан сақлаб турилди. Бу эса, ўз навбатида пул бозорида фоизставкаларининг пасайишига олиб келиб, хўжалик юритувчи субъектлар харажатларининг камайиши ва бунинг натижасида уларнинг инвестицион фаоллигини оширишга хизмат қилди.


3-диаграмма

**Тижорат банклари томонидан берилган кредитлар ва  
инвестицион кредитлар<sup>11</sup>**

(млрд. сўм.)

---

<sup>11</sup>[www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) сайти маълумотлари




Республикамизнинг бир нечта етакчи хусусан Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, “Ўзбекистон саноат-қурилиш банки”, ОАТБ “Агробанк” ва Давлат акциядорлик тижорат “Асака” банклари кредит қўйилмалари қолдиғи динамикасини қуйидаги диаграммада кўрамиз.

4-диаграмма

### Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит қўйилмалари қолдиғи<sup>12</sup>

2013 йил 1 январ ҳолатига (млн.сўм)



<sup>12</sup>Тижорат банклари йиллик ҳисоботлари

Диаграммадан кўриниб турибдики, 2013 йил 1 январ ҳолатига кўра Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки кредит қўйилмалари қолдиғи 5 815 млрд. сўмни ташкил этган бўлса бу кўрсаткич ОАТБ “Ўзбекистон саноат-қурилиш банки”да 3 516 млрд. сўмни, ДАТ “Асака” банкда 1 627 млрд. сўмни, ОАТБ “Агробанк”да эса 1 987 млрд.сўмни ташкил этди.

Республикадаги барқарор макроиқтисодий ҳолат ва юритилаётган катъий пул-кредит сиёсати пул ва молия бозорларидаги фоиз ставкалари, жумладан тижорат банкларининг кредитлари ва депозитлари бўйича фоиз ставкалари динамикасида ўз аксини топди.

Натижада, 2012 йил давомида тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал сектори субъектларига ажратилаётган жами кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкасини ҳам йил бошидаги 14,3 фоиздан декабрь ойига келиб 13,6 фоизгача пасайиши кузатилди. Жумладан, тижорат банкларининг кредит портфелида узоқ муддатли кредитлар улушининг ошишини рағбатлантиришга қаратилган фоиз сиёсатининг олиб борилиши натижасида узоқ муддатли кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси 13,5 фоиздан 12,2 фоизга пасайди.


2011 йилнинг 1 январидан бошлаб Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкаси йиллик 14 фоиздан 12 фоизга пасайтирилди. Бу эса, ўз навбатида тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитларнинг фоиз ставкалари пасайишига ва ажратиладиган кредитнинг ўсишига олиб келди.

5-диаграмма

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга  
ажратилган кредитлар<sup>13</sup>**

*2013 йил 1 январ ҳолатига (млрд. сўм.)*

<sup>13</sup>[www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) сайти маълумотлари




Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш кредит сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. 2012 йил давомида мамлакатимиз тижорат банклари томонидан ўз ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашга оид чора-тадбирларни фаол тарзда амалга оширишди.

6-диаграмма

**Ўзбекистон Республикаси айрим тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ажратилган кредитлар динамикаси<sup>14</sup>**

2013 йил 1 январ ҳолатига (млрд. сўм.)



<sup>14</sup>Тижорат банклари йиллик ҳисоботлари

Кичик бизнес субъектларига 2012 йилда ТИФ Миллий банки жами 1 трлн. 346 млрд. сўм миқдориди, Ўзсаноатқурилиш банки томонидан 379 млрд. 620 млн. сўмлик, Асака банкининг барча молиялаш маблағлари ҳисобидан эса 547 млрд. 500 млн. сўмлик ва Агробанк томонидан 451 млрд. 600 млн. сўм миқдориди кредитлар ажратилди.

Банкларнинг барча филиалларида тадбиркорларга яқиндан маслаҳатлар бериш бўйича “Тадбиркорлар хонаси” ташкил этилди. Шунингдек, филиаллар ва мини банкларда ташкил этилган “Тадбиркорлар бурчаги” орқали республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар, таклиф этилаётган янги банк хизматлари тўғрисида доимий равишда ахборот бериб борилиши йўлга қўйилди.

Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида инвестицион лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштиришга ихтисослаштирилган жамғарма ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 11 мартда имзоланган ПҚ-1501-сонли Қарори, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 24 августда чиқарилган ПФ-4354-сонли Фармони ва бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун турли имтиёз ва қулайликлар берилди, имтиёзли кредитлаш тизими соддалаштирилди. Хусусан:

- кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисобварақ очгани учун тўлов ундириш бекор қилинди;


- имтиёзли кредитлаш ҳажмини кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратишдан оладиган даромадлари 2016 йилнинг 1 январига қадар фойда солиғидан озод қилинди. Бунга асосан, жорий йилда Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар 1,3 баробарга кўпайтирилиб, уларнинг ҳажмини 24 миллиард сўмдан ошириш чоралари кўрилди. Ушбу кредитлар асосан узоқ ва чекка, шунингдек, ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди.

Кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб қувватлашга ажратилган кредитларнинг 1 трлн. 172 млрд. сўми микрокредитлар бўлиб, уларнинг ҳажми 2011 йилдагига нисбатан 1,5 баробарга ўсди.

7-диаграмма

**Кичик бизнес субъектларига ажратилган микрокредитларнинг ўсиш динамикаси<sup>15</sup>**

(миллиард сўм.)



<sup>15</sup> [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) сайти маълумотлари

2012 йил давомида касб-хунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан 48,5 млрд. сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

“Мустаҳкам оила йили”да оилаларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, турмуш даражасини ошириш мақсадида маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, жумладан мебеллар, маиший техникалар ва бошқа турдаги узоқ фойдаланиладиган жиҳозларни сотиб олишга жами 320 млрд. сўмлик, шу жумладан 15 мингта ёш оилага уч йиллик қайтариш муддати билан 81 млрд. сўмлик истеъмол кредитлари ажратилди.

2012 йилда мамлакатимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсишини таъкидлар эканмиз, бунинг боиси ва омилини авваламбор иқтисодиётимизга йўналтирилган капитал маблағлар, инвестицияларнинг тобора ўсиб бораётганида, бу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотга нисбатан 22,9 фоизни ташкил этганида, деб ҳисоблашимиз зарур. Банкларнинг роли иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, уй-жойлар қурилишини, транспорт ва инфратузилмавий коммуникацияларни ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ўз инвестицион сиёсатида, айниқса аҳамиятлидир. Банклар томонидан ажратилган кредит қўйилмалари қолдиғи эса 30,5 фоизга ўсиб, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 20,4 трлн. сўмни ташкил этди. Ажратилган кредитларнинг 85,8 фоизи ички манбалар ҳисобига берилган бўлиб, ташқи қарзлар асосан узоқ муддатга, асосан иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинмоқда. Яратилган қулай инвестициявий муҳит, жумладан, банкларнинг кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб табақалаштирилган фойда солиғи

ставкаларининг жорий этилганлиги тижорат банкларининг инвестициявий фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда. Банкларнинг инвестиция кредитлари устувор равишда «2011-2015 йилларда саноатни ривожлантириш», «2012 йилги Инвестиция дастури» ҳамда тармоқларни модернизация қилиш, маҳаллийлаштириш ва ҳудудларни ривожлантириш давлат дастурларига киритилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан минитехнологияларни сотиб олишга йўналтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 28 июнда имзоланган ПҚ-1166-сонли Қарорига биноан тижорат банкларига қуйидаги имтиёзлар берилди:

-2015 йилнинг 1 январигача тижорат банклари кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб, табақалаштирилган ставкалар бўйича фойда солиғини тўлаш;

-тижорат банкларига корхона ва ташкилотлар - йирик инвестиция лойиҳалари ташаббускорларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларни инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун қабул қилишда экспертизадан ўтказиш бўйича харажатларни умуман лойиҳани молиялаш учун бериладиган кредитнинг умумий суммасига киритган ҳолда, молиялашга кредитлар беришни амалиётга татбиқ қилиш жорий этилди.

Натижада 2012 йилда корхоналарни модернизация қилиш, технологик ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадларига тижорат банклари томонидан жами 5 760 млрд. сўм ёки 2011 йилдагига нисбатан 1,3 баробарга кўп инвестиция кредитлари ажратилди.

Банк тизимининг республикамызда уй-жой қурилишини ривожлантириш ва мазкур жараённи молиялаштиришдаги фаолияти алоҳида эътиборга моликдир. Банкларнинг ушбу йўналишдаги кредитлари

хам узоқ муддатга мўлжалланган бўлиб, уларинвестицион кредитлар таркибида салмоқли ўрин эгаллайди.

Қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилишини молиялаштириш бўйича “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. 2012 йилда мазкур банк томонидан намунавий лойиҳалар бўйича 8510 та якка тартибдаги уй-жой қурилишини молиялаштиришга жами 810,0 миллиард сўмлик маблағ йўналтирилди. Ушбу маблағнинг 294,8 миллиард сўми миқдорларнинг бадаллари ва 515,2 миллиард сўми “Қишлоқ қурилиш банк”нинг кредитлари ҳиссасига тўғри келади. Мазкур кредитлар “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан имтиёзли равишда 15 йил муддатга 7 фоизли ставка бўйича ажратилмоқда.

Иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, қайта тиклаш, техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва кейинчалик ушбу корхоналарни стратегик инвесторларга сотиш борасида ҳам банклар томонидан 2012 йилда салмоқли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, тижорат банклари томонидан жами 168 та иқтисодий ночор корхона банк балансига қабул қилинган бўлиб, ушбу корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш ва модернизация қилиш мақсадида банклар томонидан 388 млрд. сўмлик инвестициялар киритилди ҳамда фаолияти тикланган корхоналарнинг 120 таси янги мулкдорларга 919,3 млрд. сўмга сотилди.

Мамлакатимизда экспортга етказиб бериш ҳажми ва турларини кўпайтириш, рақобатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантириш, уларга маҳсулотларини янги жаҳон ва минтақавий бозорларга олиб чиқишда кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош

маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1731-сон Қарори қабул қилинди.

Натижада, банклар балансига олинган ҳолда фаолияти тикланган корхоналарда жами 1,7 трлн. сўмлик маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқарилди ва шундан, 480,0 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди.

## **2.2.ОАТБ „Агробанк“ кредит портфели таҳлили**

Мамлакатимизда олиб борилаётган молия-банк тизимидаги ислохотлар натижасида бугун юртимизда фаолият кўрсатаётган банк муассасалари катта-кичик саноат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ҳамда фермер хўжалиқларининг ишончли ҳамкорига айланди. Негаки, ялпи ички маҳсулот ҳажми, аҳоли реал иш ҳақи ва даромадларининг ўсишида, юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозорида ўз харидорига эга бўлишида, ижтимоий объектлар ҳамда турар-жой бинолари барпо этишдек кенг кўламли бунёдкорлик ишларида кўлга киритилаётган улкан ютуқларда айнан банк муассасаларининг молиявий кўмаги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни пайтда барқарор ва ишончли фаолият юритиб келаётган “Агробанк” очик акциядорлик тижорат банки ҳам иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни янадачуқурлаштириш, унинг етакчи тармоқларини жадал модернизация қилиш ҳамда техниква технологик жиҳатдан янгилаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ҳамда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашга қаратилган тадбирларда фаол иштирок этиб келаяпти.

Агробанк ўз инфратузилмаси билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларини қамраб олган бўлиб, мижозларга ўзининг 183 та филиали, 301

та минибанки, 251 та махсус кассалари, 188 та халқаро пул ўтказмалари шохобчалари орқали хизмат кўрсатиб келмоқда. Бошқача айтганда, бугунги кунда Агробанк томонидан 300 мингга яқин юридик ҳамда 3 миллионга яқин жисмоний шахсларга замонавий банк хизматлари кўрсатилаёпти.


Шуни мамнуният билан айтиш жоизки, банк фаолияти жаҳоннинг нуфузли халқаро рейтинг агентликлари ҳисобланмиш “Мудис” ҳамда “Фитч Рейтингс” компаниялари томонидан “барқарор” деб баҳоланди. Шунингдек, миллий рейтинг агентлиги ҳисобланмиш “Ahbor-Reyting” томонидан Агробанкнинг фаолияти натижалари миллий кўрсаткичлар бўйича энг юқори “uzA+” “Барқарор” прогнози билан баҳоланди.

Республикамиз банк секторига Агробанк капитали ҳажми ва филиаллар тармоғи сони бўйича иккита ҳамда активлар миқдори бўйича учта энг йирик банклар қаторига киради.

8-диаграмма

### Активларнинг ўсиш динамикаси<sup>16</sup>

(млн.сўм)



Ҳисобот йилида банкнинг иқтисодий кўрсаткичларини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлари натижасида унинг молиявий барқарорлигини баҳоловчи кўрсаткичлардан бири бўлган активлари 2012 йил 31 декабрь

<sup>16</sup> ОАТБ “Агробанк” йиллик ҳисоботи

ҳолатига 1 трлн. 964 млрд. сўми, шундан даромад келтирадиган активлар миқдори 70 фоизини ташкил этди.


Ҳукуматимиз томонидан сўнгги йиллар давомида Республикаимизнинг аграрсекторини янада барқарор ривожлантиришга жуда катта эътибор билан ёндашилмоқда, бунинг натижасида мазкур соҳада улкан ютуқларга эришилмоқда. Қишлоқ хўжалик ва саноат корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчилари таркибида қайта ишловчи замонавий корхоналарни барпо этиш, юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида замонавий технологиялар ҳамда ускуналарни татбиқ қилиш, ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришга йўналтирилган лойиҳаларни ишга тушириш мақсадида молия муассасалари томонидан кредит маблағлари ажратиш орқали қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

Ўтган ҳисобот йилида Агробанк томонидан айнан ана шу мақсадлар учун жами 1 трлн. 987 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди.

9-диаграмма

### Кредит портфелининг ўсиш динамикаси<sup>17</sup>

(млн.сўм)



Берилган кредитлардан 1 трлн. 120 млрд. сўми яъни 56 фоизи қишлоқ хўжалигига, 502 млрд. сўми, яъни 25 фоизи саноатга, 137 млрд.

<sup>17</sup> ОАТБ “Агробанк” йиллик ҳисоботи

сўми, яъни 7 фоизи моддий-техник таъминотга, 227 млрд. сўми, яъни 11 фоизи иқтисодийнинг бошқасоҳаларига йўналтирилди.

4-жадвал

### ОАТБ “Агробанк”нинг кредит портфели таркиби<sup>18</sup>

2013 йил 1 январ ҳолатига

Тармоқлар	Берилган кредитлар (%)
Қишлоқ хўжалиги	56
Саноат	25
Моддий техника таъминоти	7
Бошқа соҳалар	11
Жами	100

Банк маблағлари ҳисобига асосан туман марказларида ҳамда қишлоқларда 41 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди.

Агробанк асосий эътиборини Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда банк тизимини эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш, шунингдек қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга, жумладан фермер хўжаликларини ривожлантиришга ҳамда қишлоқ хўжалик соҳасигачет эл инвестицияларини фаол жалб этишга қаратмоқда.

Президентимизнинг “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан кўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги қарори бу борада дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Чунки мазкур ҳужжатда қишлоқ жойларда замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни барпо этиш, аҳолининг деҳқончилик маданиятини юксалтириш орқали кўшимча иш ўринлари яратиш ҳамда даромадларни ошириш сингари устувор вазифалар белгилаб берилган. Банк томонидан шу мақсадда ишлар изчил давом эттирилиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳамда қайта ишлашга қаратилган 10 минг 611 талойихага 83,9 млрд. сўм

<sup>18</sup> ОАТБ “Агробанк” йиллик ҳисоботи


маблағ йўналтирилди. Ушбу молиялаштирилган лойиҳалар асосида ўтган ҳисобот йилида 104,8 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди.

Қорамолчилик тармоғини ривожлантириш тадбирларига 19,5 млрд. сўм, шундан насли ва зотдор қорамолчилик тармоғини ривожлантиришга 6,7 млрд. сўм, паррандачилик тармоғини ривожлантириш тадбирларига 4,3 млрд. сўм, балиқчиликни кенг йўлга қўйиш мақсадлари учун 2,7 млрд. сўм, асаларичиликни молиявий қўллаб- қувватлашга 1,1 млрд. сўм кредитлар ажратилди.

10-диаграмма

**Паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантиришга  
ажратилган кредитлар ҳажми<sup>19</sup>**

*2013 йил 1 январ ҳолатига (фоизда)*



Кейинги йилларда мамлакатда иссиқхона хўжалиklarини барпо этиш ҳаракати кенг қулоч ёйди. Агробанк иссиқхоналар ташкил этишга қаратилган 200 та лойиҳаларни амалга ошириш учун 6,9 млрд. сўм миқдорида кредит ажратди. Шунинг ҳисобидан 2 минг 301 та янги иш ўринлари яратилди ҳамда 60 минг 905 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини-технологиялар ҳамда ихчам ускуналар сотиб олиш учун 44 та лойиҳани молиялаштиришга ажратилган 1,6 млрд. сўм кредитлар ҳисобига 67 та иш ўринлариташкил қилинди.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиklarига сабзаёт маҳсулотлари уруғлари ҳамда уруғлик картошка учун 4 млрд. сўм микрокредитлар ажратилган бўлса, ҳудудларда интенсив боғлар ва узумзорларни яратиш ва томчилатиб суғоришни жорий этишга қарийб 1 млрд. сўм кредитлар ажратилди.

<sup>19</sup> Агробанк йиллик ҳисоботи асосида тайёрланди.

Қишлоқ хўжалигини юқори унумли қишлоқ хўжалик техникалари, агрегатлар билан таъминлаш мақсадида ҳисобот йили давомида фермер хўжаликларига 57 та комбайн учун 7,1 млрд. сўм, 176 та ҳайдов трактори учун 16,1 млрд. сўм, чопиқ трактори ва ёрдамчи агрегатлар, плуг, пахта ҳамда ғалла сеялқалари, ОВХ ва культиваторлар хариди учун 23,9 млрд. сўм кредит ажратилди.

Банк томонидан қишлоқ хўжалигини молиявий қуллаб-қуватлаш, хусусан, фермер хўжаликларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида хорижий молия институтларининг маблағлари йўналтирилди. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкидан— 15,5 млн. АҚШ доллари, Осиё тараққиёт банкидан — 55,5 млн. АҚШ доллари, Германиянинг КфВ банкидан — 2,9 млн. евро, Германиянинг Байериш Хипоферайнсбанк АГдан — 2,9 млн. евро, Хусусий секторни ривожлантириш ислом корпорациясидан — 11 млн. АҚШ доллари, Халқаро тараққиёт уюшмасидан — 9,2 млн. АҚШ доллари ҳамда 12,4 млрд. сўмлик маблағлар шулар жумласидандир.

2012 йилги пахта ва ғалла ҳосили учун Молия вазирлиги ҳузуридаги “Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси” маблағларидан 858,4 млрд. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Шундан, пахта ҳосилини молиялаштиришга 673.9 млрд. сўм ва ғалла ҳосилини кредитлаш учун 184,5 млрд. сўм ажратилди.

Ўтган 2012 йил давомида Агробанк томонидан хизмат кўрсатилаётганиқтисодиётнинг устувор тармоқ соҳаларига турли хил мақсадларда жами 569,2 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди ҳамда факторинг хизматлари кўрсатилди. Ушбу кредитлар банкнинг йирик корпоратив мижозлари бўлган “Ўзпахтасаноат” уюшмаси тизимига 326,4 млрд. сўм, “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компанияси тизимига 155,4 млрд. сўм, “Ўзкимёсаноат” компанияси тизимига 52,7 млрд. сўм,

шунингдек саноат корхоналарига 28,5 млрд. сўм ва бошқа корхоналарга 5,2 млрд. сўм ажратилди.

Республика туманларидаги МТПларни замонавий қайта жиҳозлаш, янги сервис корхоналарини ташкил қилиш мақсадида “Агротехсервис” МЧЖларига 13,9 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

2012 йилда республикада инвестицион фаолликни ошириш ҳамда саноат тармоқларини ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш Дастурларига биноан “Ўзпахтасаноат” уюшмаси таркибидаги корхоналарга 15,6 млрд. сўм, “Ўздонмахсулот” АК корхоналарига 26,6 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

Шунингдек ҳисобот йилида пилла етиштиришни кенгайтириш мақсадида пилла етиштирувчи хўжаликларига банк томонидан 1,3 млрд. сўм кредит ажратилди.

Қишлоқ жойларда сув танқислигини олдини олиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида банкда хизмат кўрсатувчи 19 та Давлат унитаркорхоналарига айланма маблағларини тўлдириш учун жами 2 млрд. сўм кредитажратилди.

Бугунги кунда республика иқтисодиётининг турли жабҳаларида фаолияткўрсатаётган корхоналар фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада банкларнинг инвестициявий фаоллигини ошириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26-ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори ҳам қабул қилинганки, ушбу қарорнинг ижроси доирасида Агробанк томонидан 2012 йил давомида 320,2 млрд. сўм миқдорида инвестицион кредитлар ажратиш ва лизинг хизматлари кўрсатиш прогнози тасдиқланди.

Ҳақиқатда эса ҳисобот йилида иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқариш фаолиятини кўллаб-қувватлаш ва ҳудудларда саноатни

такомиллаштиришга жами 337,5 млрд. сўм миқдорида инвестицион кредитлар ажратилиб, пировардида 78 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатиш учун замин ярилди. Ажратилган кредитларнинг 85,9 млрд. сўми ёки 25,3 фоизи саноат соҳасига, 103,5 млрд. сўми ёхуд 30,7 фоизи қишлоқ хўжалигига, 69,5 млрд. сўми ёки 20,8 фоизи моддий-техник таъминотига, 78,5 млрд. сўми ёхуд 23,2 фоизи қурилиш ва бошқа соҳаларга йўналтирилди.

Ҳисобот йилида ажратилган инвестицион кредитлар ҳажми йил бошига нисбатан 131 фоизга ўсиб, 654,2 млрд. сўмни ташкил қилди. “2012 йил-Инвестиция дастури”га асосан умумий қиймати 28,4 млрд. сўмлик 13 та лойиҳа белгиланган бўлиб, банк томонидан мазкур корхоналарнинг 10 тасига 20,7 млрд. сўмга молиялаштириш очилди, 3 тасига маблағлар ташаббускорлар ҳисобидан киритилди. Ажратилган маблағлар “Шўрчидонмаҳсулотлари”, “Дўстликдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятларининг тегирмон цехларини, “Когондонмаҳсулотлари” ва “Фарғонадонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятлари каби корхоналарни модернизациялашга йўналтирилди. Шунингдек, “Агрегат заводи” очиқ акциядорлик жамияти, “Қувасойцемент” ҳиссадорлик жамияти ва “Хоразмдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятларини модернизациялаш учун йўналтирилди.

Шунингдек, республикада ташкил этилган иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича комиссиянинг 2012 йил 9-мартдаги дастурига асосан

2012 йилда 208 та лойиҳага 66,8 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Амалга оширилган лойиҳалар ҳисобига 3 минг 205 та янги иш ўринлари ташкил қилиниб, 4,9 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва яна 93,9 млрд. сўм миқдорида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатишга замин яратилди.

Банк томонидан совутгичли сиғимларни қуриш лойиҳалари бўйича 2012 йилга мўлжалланган дастурларда жами 45 та лойиҳа бўйича 13 минг 450 тонналик сиғим яратилиши белгиланган. Шунга кўра, ҳисобот йилида дастурга асосан ва қўшимча жалб қилинган жами 113 та мижозга 19,4 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилиб, жами 31,8 тонналик совутгичли сиғимлар яратилди.

Шу билан бирга ҳудудларда янги замонавий қолипчилик цехлари қуриш бўйича лойиҳалар молиялаштирилди. Жумладан, “Ўздонмахсулот” акциядорлик компанияси таркибидаги 23 та корхонага Германиянинг “ВАХТЕЛ” компаниясининг қолипчилик цехи сотиб олиш ва қуриш учун жами 7,2 млрд. сўм миқдорида узоқ муддатлик кредитлар ажратилди.


Банкнинг инвестицион фаоллигини ошириш мақсадида ҳозирда банкда жами 6 та Халқаро молия институтлари кредит линиялари жалб этилган бўлиб, Ҳукумат кафолати остида Осиё тараққиёт банки, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро тараққиётуюшмаси, Хитой Эксимбанки ҳамда тўғридан тўғри Германиянинг Хипоферайнсбанкава Хусусий секторни ривожлантириш ислом корпорациясининг жами 91,1 млн. АҚШдоллари, 2,8 млн. Евро ва 12,4 млрд. сўм миқдоридаги кредит линиялари жалб қилинган.

Бугунги кунда Агробанк республика Ҳукумати даражасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Банк томонидан ҳисобот йилида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар миқдори 451,9 млрд. сўмни ташкил этиб, белгиланган режа 127 фоизга бажарилди. Бу кўрсаткич 2011 йилга нисбатан таққосланганда 96,4 млрд. сўмга ёки 1,3 баробарга ошди. Берилган микрокредитлар 108,7 млрд. сўмни ташкил этиб, 2011 йилга нисбатан 26,3 млрд. сўмга ёки 132 фоизга ўсди. Кичик бизнес субъектларига банкнинг имтиёзли кредитлар жамғармаси маблағлари ҳисобидан жами 5,1 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди.

## Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитларнинг ўсиш динамикаси<sup>20</sup>

(млрд.сўм)



Президентимизнинг 2009 йил 26-январдаги ПҚ-1047-сонли қарорига асосан аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида 114млрд. сўм кредитлар ажратилди, белгиланган режа 120 фоизга бажарилди. Шунингдек Республика Президентининг 2009 йил 28-январдаги ПҚ-1050-сонли қарорига асосан аҳолининг ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида 85,5 млрд. сўм кредит ажратилди ва ўрнатилган прогноз 119 фоизга бажарилди.

Ҳунармандчилик ва оилавий бизнесни ривожлантириш мақсадида 6 млрд. 647 млн. сўмлик лойиҳалар молиялаштирилиб, 1 минг 487 та оилада қўшимча даромад олиш имконияти яратилди.


Ёш оилаларга тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида 12,9 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди, белгиланган режа 122 фоизга бажарилди.

Тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш бўйича 44,1 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилиб, белгиланган режа 108 фоизга бажарилди.

<sup>20</sup> Агробанк йиллик ҳисоботи асосида тайёрланди

## Тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга ажратилган кредитларнинг ўсиш динамикаси<sup>21</sup>

(млн.сўм)



Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини ташкил этиш мақсадида 4млрд. 572 млн. сўм кредитлар ажратилиб, белгиланган прогноз 129 фоизга бажарилди.

Банк томонидан асосан қишлоқларда инфратузилмани ривожлантириш, хусусан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 23 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилиб, белгиланган режа 111 фоизга бажарилди.

Қишлоқдаги ёшларга тадбиркорлик руҳини сингдириш, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш мақсадида ҳисобот йилида ҳам Агробанк ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда “Ёш тадбиркор-келажакка пойдевор” кўрик танлови ўтказилди.

Жумладан “Ёш тадбиркор-келажакка пойдевор” танловига йил давомида 602 дан ортиқ аризалар келиб тушди. Шундан 42 та иштирокчи Республика босқичига ўтган бўлиб, баҳолаш натижаларига кўра 12 та энг яхши лойиҳа бўйича ғолиблар аниқланди.

<sup>21</sup> Агробанк йиллик ҳисоботи асосида тайёрланди

Танловнинг Республика босқичида ғолиб чиққан ёш тадбиркорларни жалб қилган ҳолда Тошкент вилояти, Бўстонлик туманида жойлашган “Камолот ёшлар оромгоҳи”да малакали мутахассислар иштирокида интерактив ўқув семинар трейнинглари ўтказилди.

Танловларнинг саралаш босқичларидан ўтган ва танловда ғолиб деб топилган иштирокчи ёшлар банкнинг ҳудудий филиалларидан имтиёзли микрокредит олишимкониятига эга бўлдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, банк томонидан кичик бизнес субъектлари лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш мақсадида четэл молия муассасаларининг кредит линиялари жалб этилди.

Жумладан:

- Осиё тараққиёт банки “Кичик ва микромолиялашни ривожлантириш 2-фаза” лойиҳаси доирасида жами 6 млн. АҚШ доллари жалб қилиниб, 1100 та лойиҳа молиялаштирилди ва 1200 тадан ортиқ иш ўрни яратиди. Ҳозирда қўшимча 14 млн. АҚШ доллари миқдорида жалб қилиш бўйича шартнома имзоланди. Шу билан бирга, Осиё тараққиёт банкнинг “Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси” доирасида 13,4 млн. АҚШ доллари жалб қилинди.

- Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкнинг “Қишлоқ хўжалигини қўллаб қувватлаш лойиҳаси” барча компонентлари бўйича жами 15,5 млн. АҚШ доллари жалб қилинди.

- Халқаро тараққиёт уюшмасининг “Қишлоқ хўжалик корхоналарини қўллаб- қувватлаш лойиҳаси II босқичи” лойиҳаси бўйича жами 8,2 млн. АҚШ доллари ва 12,4 млрд. сўм жалб қилинди.

- Германиянинг Хипоферайнсбанкдан жами 2,8 млн. Евро миқдорида кредитмаблағлари тўғридан тўғри жалб қилинди.

- Бундан ташқари 2011-2012 йиллар давомида банк томонидан Хусусий секторни ривожлантириш ислом корпорацияси (ХСРИК) кредит

линиясидан жами 11 млн. АҚШдоллари миқдоридаги маблағлари жалб қилиниб, салоҳиятли лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

2013 йилда Хитой тараққиёт банкидан 50 млн. АҚШ доллари ва Туркиянинг Зироат банкидан 5 млн. АҚШ долларини жалб қилиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

Шунингдек, 2013 йилда Агробанк ҳамда Польша Миллий банки ўртасида имзоланган Меморандумга асосан молиялаштириладиган самарали лойиҳаларни банкка жалб қилиш ишлари олиб борилади.

Жисмоний шахсларнинг шахсий эҳтиёжлари юзасидан талабларини қондириш мақсадида ҳисобот йилида 95,3 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилди, бу кўрсаткич банк кредит портфелининг 8,3 фоизини ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 февралдаги ПҚ-1717- сонли “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида аҳолини, айниқса ёшларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш учун банк филиаллари томонидан истеъмол кредитлари миқдорини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда жорий йил давомида 6 минг 739 та миқозга 28 млрд. 204 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Кредитлар уй жиҳозлари, мебель, электрон ва маиший асбоб-ускуналар харидига, турар-жойни таъмирлаш мақсадларига берилди.

Шунингдек, 2012 йил давомида 3 минг 898 та талаба ёшларга 8 млрд. 875 млн. сўм миқдорида таълим кредитлари ажратилди.

Ҳисобот йилида 145 та миқозга 8 млрд. 806 млн. сўм, шу жумладан 82 та ёш оилаларга 5 млрд. 67 млн. сўм миқдорида ипотека кредитлари ажратилди. Йил якунида ипотека кредитларининг қолдиғи 572 та миқозда 19 млрд. 374 млн. сўмни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги ПҚ-308-сонли ва 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842 сонли қарорларига

мувофиқ аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш мақсадида чорва моллари сотиб олиш учун ҳисобот йилида 3 минг738 та мижозга 15 млрд. 354 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Ҳисобот санасига ушбу кредит қолдиғи 22 млрд. 594 млн. сўмни ташкил қилди.

Агробанк томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларга ўз томорқаларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кенгайтириш, жумладан, мевали дарахтқўчатларини экиш, уруғ ва минерал ўғитлар сотиб олиш, иссиқхоналар ташкил этиш, паррандачилик ҳамда асаларичиликни йўлга қўйиш мақсадида жами 16 млрд. 543 млн. сўм миқдорида кредит ажратилиб, белгиланган режа 162 фоизга бажарилди.

Шунингдек, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси таркибидаги корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш, улар томонидан замонавий, рақобатбардош электроника ва электромаиший маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда ички бозорни тўлдиришни таъминлаш мақсадида 2012 йилнинг август-декабрь ойларида истеъмол кредитлари ҳисобидан 625 млн. сўм маблағ ажратилди.

2012 йилда асосий эътибор банкнинг кредит таваккалчилигини минималлаштириш, ажратилган кредитлар қайтувчанлигини ошириш ва кредит портфели ҳолатини соғломлаштиришга қаратилди.

Бизга маълумки, қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқариш мавсумий характерга эга бўлиб, об-ҳавони ёмон келиши оқибатида мўлжалланган ҳосил етиштирилмаслиги мумкин. Натижада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар ишлаб чиқариш режаларини бажара олмайдилар. Бу эса, ўз навбатида, ушбу корхоналар томонидан олинган банк кредитларининг қайтмаслик эҳтимолини кучайтиради.

Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона хом-ашё етказиб берувчи корхонага боғланиб қолмаслиги керак. Агар хомашё етказиб берувчи корхоналар кам бўлса, маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхонанинг иши секинлашади ва хом-ашё монопол нарҳда

сотиб олинади, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи қимматга тушиб кетади ва натижада баҳоларнинг ошиши сабабли маҳсулотга талаб камаяди. Бу ҳам корхоналар олган кредитларини қайтарилмаслик рискинни оширади.

Тижорат банклари кредитлаш амалиётининг самарадорлигига таъсир қилувчи асосий омиллардан яна бири кредитларнинг тури ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда республикамиз банк амалиётида кредитлар турларига кўра икки йирик гуруҳга бўлинади:

- қисқа муддатли кредитлар (бир йилгача муддатдаги);
- узоқ муддатли кредитлар (бир йилдан ортиқ муддатдаги).

Республикамиз банк амалиётида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2004 йил 17 июлдаги 578-сонли «Ўзбекистон Республикаситижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси» номли йўриқномасига асосан ўрта муддатли кредитлар тоифаси бекор қилинди<sup>22</sup>.

Ўрта муддатли кредитлар тоифасини бекор қилинишининг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

1. Халқаро банк амалиётида кредитларнинг асосан қисқа ва узоқ муддатли турлари тан олинади;

2. Республикамиз банк тизимида ўрта муддатли кредитларнинг сезиларли қисми бир неча марта пролонгация қилиниши натижасида узоқ муддатли кредитларга айланди ва натижада уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритишда ва таҳлил қилишда қийинчиликлар, чалкашликлар юзага келди.

3. Айрим тижорат банкларида қисқа муддатли кредитларни муддатида қайтарилмаслиги, пролонгация қилиниши натижасида уларнинг муддатини бир йилдан ошиб кетиши, яъни ўрта муддатли кредитларга айланиши юз берди.

---

<sup>22</sup>Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси.-Тошкент: Янги аср авлоди, 2004 йил.

Тижорат банклари томонидан берилган қисқа муддатли кредитларнинг узок муддатли кредитларга нисбатан қиёсий таҳлилини амалга ошириш қисқа муддатли кредитлаш амалиётининг таҳлилини бойитишга хизмат қилади. Бунинг боиси шундаки, қисқа муддатли кредитлар узок муддатли кредитлардан кредитлаш объекти бўйича кескин фарқ қилади. Бундан ташқари, кредитларнинг муддати бўйича фарқланиши кредитлаш шаклларига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Тижорат банклари кредит портфелининг сифат даражасини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири уларнинг таснифланган кредитларининг таркиби ва динамикаси ҳисобланади. Чунки кредитлардан олинadиган даромаднинг миқдори ва даражаси бевосита таснифланган кредитларнинг таркибидаги ўзгаришларга боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2005 йил 11 июндаги 242-сонли “Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари томонидан улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартибига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида”ги йўриқномасига мувофиқ, захира ташкил қилиш мақсадида кредитлар тўрт гуруҳга – стандарт, субстандарт, шубҳали ва умидсиз кредитларга бўлинади. Стандарт кредитлар суммасининг 10 фоизи миқдорида, субстандарт кредитларнинг 25 фоизи, шубҳали кредитларнинг 50 фоизи, 100 фоизи миқдорида фойда ҳисобидан захира шакллантирилади. Берилган кредитларнинг сифатини ёмонлашиши улардан кўриладиган захира ажратмаларини миқдорининг ошишига олиб келади. Бу эса, тижорат банкининг кредитлаш салоҳиятини пасайтиради. Шу сабабли, қишлоқ хўжалик корхоналарининг кредитларни ўз вақтида қайтара олмасликлари уларга берилган кредитларнинг сифатини ёмонлашишига ва шунинг асосида қишлоқ хўжалик корхоналарини кредитлаётган тижорат банкларининг кредитлаш салоҳиятини пасайишига сабаб бўлади. Шунингдек, муддати ўтган фоизлар ҳам тижорат банкининг

фоизли даромади ва тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан балансдан ўчирилади.

Жаҳон тиклаш ва тараққиёт банки экспертларининг тавсиясига кўра, кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг йиллик миқдори тижорат банки активларининг ўртача йиллик миқдорининг 0,5 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Агар бу кўрсаткич 0,5 фоиздан ошиб кетса, бу ҳолат, тижорат банки кредит портфелининг сифатини сезиларли даражада ёмонлашганлигидан, банкнинг кредитлаш салоҳиятининг пасайганлигидан далолат беради.

Кредитларни ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш кредитлаш жараёнини ташкил этишнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини кредитлашда уларга берилган кредитларнинг таъминоти даражаси ва таркибини таҳлил қилиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Шунингдек, кредитларнинг таъминоти таркибида учинчи шахсларнинг кафилиги ва кўчмас мулк ҳам мавжуд. Аммо бўлғуси ҳосил, суғурта полиси каби муҳим кредит таъминоти объектлари мавжуд эмас. Ривожланган хорижий давлатларнинг амалиётида суғурта полислари ва бўлғуси ҳосил тижорат банкларининг қишлоқ хўжалик корхоналарига берадиган кредитлари учун муҳим гаров таъминоти вазифасини ўтайди.

Тижорат банкларининг қишлоқ хўжалик корхоналарини кредитлаш салоҳиятини ошириш бевосита уларнинг ресурс базасининг етарлилиги ва мустаҳкамлигига боғлиқ. Ўз навбатида, тижорат банклари ресурс базасининг асосий қисмини уларнинг депозит базаси ташкил этади. Бунинг сабаби шундаки, тижорат банклари балансининг пассив қисмининг таркибида салмоғига кўра биринчи ўринни жалб қилинган депозит маблағлари эгаллайди. Ўз навбатида, тижорат банкларининг эълон қилинадиган баланс ҳисоботларида депозит маблағлари уч шаклда мавжуд бўлади: а) талаб қилиб олинадиган депозитлар; б) жамғарма депозитлари; в) муддатли депозитлар.

Шуниси характерлики, талаб қилиб олинадиган депозитлар халқаро банк амалиётида тижорат банклари учун ресурс ҳисобланмайди. Марказий банклар ҳам тижорат банкларига улардан ресурс сифатида тўғридан-тўғри фойдаланишга рухсат этмайди. Талаб қилиб олинадиган депозитлардан ресурс сифатида фойдаланиш учун тижорат банки ва мижоз ўртасида муддатли депозит шартномаси тузилиши лозим.

Тижорат банклари кредит порфелининг самарадорлик даражасини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири муддати ўтган кредитларнинг жами кредит қуйилмалари ҳажмидаги салмоғини ўзгариши ҳисобланади. Халқаро банк амалиётида бу кўрсаткичнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган мўътадил даражаси 3 фоизни ташкил қилади. Унинг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражаси эса, 5 фоиздан ошмаслиги лозим.

Банкнинг кредит сиёсатини олиб бориш, кредит портфелини самарали натижасини таъминлашни кўзда тутганлиги учун банкларнинг кредит портфелини ташкил қилишга таъсир қилувчи омиллар ичида банклар хизмат кўрсатиш бозорининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шу жиҳатдан ҳар бир банк ўзи танлаган бозор секторидаги асосий мижозларнинг қарз маблағига бўлган талабини ҳисобга олиши керак. Кредит сиёсатининг асосий йўналишлари банк директорлар кенгаши томонидан белгиланади.

### **2.3.Ривожланган мамлакатлар тижорат банкларининг кредит сиёсати ва банк кредит портфелини бошқариш тажрибаси**

Хорижий давлатларнинг йирик банкларида ёзма равишда кредит сиёсати тўғрисида меморандум ишлаб чиқилади ва барча банк ходимлари ўз фаолиятини шу меморандум асосида олиб боришлари зарур. Меморандумнинг таркиби ҳар бир банкнинг фаолиятини ҳисобга олган ҳолда ҳар хил бўлсада, у банк фаолиятининг асосий йўналишларини қай тариқада олиб боришни ўз ичига олади. Меморандумда олиб бориладиган сиёсатнинг асосан, яъни кўпроқ ишончли ва фойда келтирувчи кредитлар

бериш, кредитлар беришда мавжуд кредит ресурсларни ҳисобга олиш, кредит беришнинг охириг чегарасини белгилаб бериш ва бошқалар кўрсатилади. Меморандумда кредит сиёсатининг умумий мақсади аниқ акс эттирилади.

Меморандумда кредитлаш шаклларида фойдаланиш тартиби, кредит сиёсатининг устувор йуналишлари, кредитларга фоиз ҳисоблаш, уларни ундириш ва балансдан ўчириш масалалари аниқ акс эттирилади.

Ҳужжатда қайси кредитларни бериш банк учун фойдали ва қайси кредитларни беришдан банк сақланиши лозимлиги, банк ходимларига кредитлар бериш, кредитларнинг сифатини назорат қилиш шакллари ва бошқалар кўрсатилади.


Бунинг учун қуйидагилар аниқланади:

- банк учун маъқул бўлган кредитлар турлари;
- қандай кредитлар беришдан банк ўзини тутиш;
- кўнгилдагидай бўлган қарзларнинг таркиби;
- кўнгилсиз қарзларнинг таркиби;
- банкнинг кредитлаш билан боғлиқ фаолияти доираси;
- банкнинг ўз ходимларига кредит бериш доирасидаги сиёсати;
- қарздорликнинг ҳар хил даражаларига кўра кредитларнинг ҳажмини қисқартириш;
- кредит рискинни бошқариш, текширув ва назорат доирасидаги банкнинг сиёсати.

Йирик бир америка банкларининг меморандуми схемаси 5 бўлимни, яъни умумий қоидалар, кредитлар категорияси, кредит сиёсатининг ҳар хил масалалари, кредит портфели сифати устидан назорат ҳамда банк кўмиталарини ўз ичига олади.

Кредит сиёсати тўғрисидаги меморандумда банкнинг кредит экспансиясини амалга ошириш лозим булган географик худудлар аниқ акс эттирилади.

**АҚШнинг Сити банкининг кредит сиёсати тўғрисидаги  
Меморандумининг таркиби<sup>23</sup>**



Барча ривожланган хорижий давлатларда кредитлаш билан боғлиқ операциялар банк актив операцияларининг асосий тури бўлиб қолмоқда. Хозирги вақтда кредитлар банк активларининг асосий қисмини эгаллайди.

<sup>23</sup> Маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Қуйида дунёнинг бир нечта етакчи банкларининг активлари таркиби келтирилган:

5-жадвал

**Дунёнинг бир қатор етакчи тижорат банкларининг активлар таркиби<sup>24</sup>**

(фоизда)

Активлар	Дойчебанк (Германия)	Креди Лионз (Франция)	Банесто (Испания)	Возрождение (Россия)
Пул маблағлари	3.90	3.09	12.94	6.0
Кредитлар	78.65	66.06	25.28	47.0
Қимматли қоғозлар	15.50	16.17	23.87	9.0
Бошқа активлар	1.95	13.87	37.91	38.0
Жами	100.0	100.0	100.0	100.0

Шуни таъкидлаш жоизки, хозирги вақтда хорижий банклар амалиётида жисмоний шахсларга бериладиган ссуда операциялари хажми ўсиб бормокда. Масалан, Франция ва Германияда бундай ссудалар миқдори корхона ва ташкилотлар оладиган ссудалар миқдори билан тенглашди, АҚШда эса бундай ссудалар миқдорига кўра биринчи ўринга чиқди.

Тижорат банкларининг жисмоний шахслар билан амалга оширадиган операцияларини шартли равишда икки йирик гуруҳга булиш мумкин: истеъмол кредити ва уй-жой кредити.

Истеъмол кредити аҳолининг товарларни сотиб олиш талабини рағбатлантиради. Айниқса, ўртача даромад кўрадиган шахслар истеъмол кредитидан кенг фойдаланадилар.

Ривожланган хорижий давлатларда индивидуал мижозларга бериладиган ссудалар ичида аҳамиятига кўра иккинчи ўринни ипотека ссудалари эгаллайди. Улар асосан уй-жой қуриш, уларни таъмирлаш ёки сотиб олиш мақсадларига берилади. Бундай кредитлар учун гаров сифатида уй, ер участкаси олинishi мумкин.

Халқаро банк амалиётида уй-жой кредитининг муддати 7 йилдан 20 йилгача, айрим ҳолларда 30 йилгача белгиланади. Бундай кредитлар юқори

<sup>24</sup>[www.deltacredit.ru](http://www.deltacredit.ru)

фоиз рискига эга, чунки бу муддат мобайнида жалб қилинган ресурсларнинг баҳоси ошиши мумкин. Шунинг учун тижорат банклари уй-жой кредитини беришда сузиб юрвчи фоиз ставкаларидан фойдаланадилар.

Жаҳон амалиётида банк кредитларини ягона, умумлашган таснифи йўқ, чунки кредитларни турли хил шакллари ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига, унинг урф-одатларига, аҳоли орасида ссудаларни бериш ва қайтариш тарихан шаклланган усулларига боғлиқ бўлади. Шундай бўлса ҳам энг кўп учрайдиган банк кредит операцияларини турли хил мезонлар ва ўлчовларидан келиб чиққан ҳолда, гуруҳлаштириш мумкин.

Аксарият мамлакатларда, жумладан, ғарбий Европанинг кўпгина мамлакатларида кредитлар муддатига кўра уч турга: қисқа, ўрта ва узоқ муддатли кредитларга бўлинади. Бунда қисқа муддатли кредитлар жумласига бир йил муддатгача бериладиган кредитлар, ўрта муддатли кредитларга бир йилдан беш йилгача ва узоқ муддатли кредитларга беш йилдан ортиқ муддатга бериладиган кредитлар киритилади.

6-жадвал

Қайтариш муддати бўйича кредитларни таснифлаш<sup>25</sup>

Давлатлар / Муддати	Россия	АҚШ	Буюк Британия	Франция
Қисқа	1 йилгача	1 йилгача	3 йилгача	2 йилгача
Ўрта	1-3 йил	1-6 йил	3-10 йил	2-7 йил
Узоқ	3 йилдан ортиқ	6 йилдан ортиқ	10 йилдан ортиқ	7 йилдан ортиқ

Кредитнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида ғарб мамлакатлари амалиётида кредитлашнинг биз учун янги қоидаси қўлланилади. Бу қоида кредитлашда «5 «С» лар қоидаси» деб юритилади.

«5 «С» лар қоидаси»га асосан ҳар бир «С» бўйича корхонанинг

<sup>25</sup>Интернет маълумотлари асосида тайёрланди

фаолияти таҳлил қилиб чиқилади ва корхона фаолияти талабга жавоб берсагина корхонага кредит берилади. Қоидага асосан «С» харфлари корхонанинг хўжалик фаолиятини қуйидаги жиҳатларини ифодалайди.

Character – қарз олувчининг характерини баҳолаш, ҳамда бозордаги обрўси;

Capacity – қарз олувчининг бошлаган ишини охирига етказа олиш, тегишли даромад олиш, ҳамда банк кредитларини қайтариб бериш қобилияти;

Capital – қарз олувчининг сармоясини етарлилиги;

Conditions – шартлар. Бунда иқтисодий муҳим ва мазкур бизнесни ривожланиши назарда тутилади.

Collateral – гаров (кафолат, кафиллик, суғурта полиси, товар моддий бойликлар) ва бошқалар.

Жаҳон банк амалиётида кредит мутахассиси кредит талабномасини таҳлил қилишда кредит скоринги тизимидан фойдаланади. Мазкур тизим кредит талабномасининг ҳар бир бандига алоҳида баҳо беришга асосланган. Ҳозирги вақтда жаҳон банк амалиётида кредит талабномасини баҳолашда балл тизимининг қуйидаги шкалалари қўлланилмоқда.

7-жадвал

### Кредит талабномасини баҳолаш жадвали<sup>26</sup>

Балл	Кредит бериш ёки бермаслик тўғрисида қарор
28 гача	- Кредит бериш рад етилсин
29 - 30	- 500 \$гача кредит бериш мумкин
31 - 33	- 1000 \$гача кредит бериш мумкин
34 - 36	- 2500 \$гача кредит бериш мумкин
37 - 38	- 3500 \$гача кредит бериш мумкин
39 - 40	- 5000 \$гача кредит бериш мумкин
41 - 43	- 8000 \$гача кредит бериш мумкин

Бироқ балл тизимининг бундай шакли қўлланганда, банк ўзмижозларини йўқотиши мумкин.

<sup>26</sup>Абдуллаев Ё. ва бошқалар. Банк иши. Ўқув қўлланма. - Т.: "Иқтисод-молия". 2010.532 б.

Чункимижозларўзларинингкредитталабномаларинибанкнотўғрибаҳолаган,  
деганхулосагакелиб,

мазкурбанкхизматиданфойдаланишиданбоштортишимумкин.

Бунданташқари,

талабноманингқонунгахилофравишдабаҳоланишинатижасида,

мижозбанкустидансудгааризаберишимумкин.

Бундайшароитдабанкўзиқўйганхарбирбаллбаҳонидалилларбиланисботлабб  
еришигатўғрикелади.

Балликбаҳоқўйишдабанкюмшоқбахосиёсатиданфойдаланмаса,

ўзижудамушқулаҳволдақолишимумкин.

Кредитнинг дифференциал ёндашув тамойили ҳам моҳиятини акс  
этирувчи жиҳатлардан ҳисобланади. Кредит муносабатларида банк барча  
мижозларга бир хилда ёндашмайди. Масалан ишончли мижозларга кредит  
учун таъминот талаб қилмасдан кредит ажратиши мумкин ёки  
ишончсизроқ мижозлардан кредит қийматидан анча юқори қийматга ега  
бўлган таъминот талаб қилиши мумкин. Кредит тўлови сифатида фоиз  
ўрнатиш жараёнида ҳам банк мижозларга турлича ёндашиши мумкин.

Ҳар қандай банкнинг кўрсатадиган хизматлари нуқтайи назаридан  
унинг кредит портфелини тартибга солиб туриш ўта муҳимдир. Зеро,  
кредитнинг баъзи бир турларини бериш қонун билан чегараланган, баъзи  
бир кредит турлари эса умуман тақиқланган.

### **ШБоб бўйича хулоса**

Ўзбекитон Республикаси тижорат банклари кредит портфелини  
таҳлил қилиш жараёни шуни кўрсатадики, банкларимиз истиқболли  
инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, импортни ўрнини босувчи ва  
экспортга мўлжалланган маҳсулотларни, истеъмол товарларини ишлаб  
чиқаришни кўпайтириш ва маҳаллийлаштиришга маблағларни самарали  
тарзда киритиш, банк хизмат кўрсатадиган корхоналарнинг молиявий

ҳолатини соғломлаштиришга қаратилган фаол кредит сиёсатини амалга оширмоқдалар.

Тижорат банклари фаолиятини таҳлил қилар эканмиз, мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий соҳаларини молиялаштиришда энг аввало узоқ муддатли кредитлар ажратилаётгани эътиборга молик.

Тадқиқот объекти ОАТБ “Агробанк” фаолияти таҳлили натижасида банк кредит портфелининг кўп қисми қишлоқ хўжалигига йўналтирилган, бироқ бу кредит портфели диверсификацияси тўғри тақсимланмаган деган фикрга келишимизга асос бўлмайди. Чунки қишлоқ хўжалиги тармоқлари ҳам турли ва улар ўртасида кредитлар тўғри тақсимланган.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳар бир банк ўзи хизмат кўрсатувчи бозорнинг талабларидан келиб чиқиб ўзи учун қулай кредит турларини белгилайди. Мижозларни кредитлашда уларни молиявий аҳволини баҳолашда турли кўрсаткичлардан фойдаланади. Республикамиз тижорат банклари фаолиятида ҳам мижознинг тўловга лаёқатлилигини баҳолашда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банкининг кредит сиёсати банк кредити йўналтириладиган иқтисодиёт соҳаларини белгилаб олиши, кредитлаш усуллари, кредитлаш кўрсаткичлари, кредитларни қайтариб тўлаш шартлари ва қоидалари, кредитнинг муддати, қарздорликни ундириб олиш бўйича чора тадбирлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг молиявий ҳисоботларига қўйиладиган талаблар, мижознинг кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни ўзида ифода қилувчи қарздорларнинг фаолиятига оид молиявий ахборотлар, гаров таъминотига қўйиладиган талаблар, кредит мониторингига қўйиладиган талаблар, фоиз ставкалари бўйича бажариладиган операциялар, кўзда тутилмаган ҳолатлар моддалари, кредит портфелини аудит қилиш бўйича талаблар банк Бошқаруви ва кенгашига тақдим қилинадиган ҳисоботлар бўйича талабларни ўзида ифода қилиши лозим.

## **ШБоб. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит сиёсатини такомиллаштириш истиқболлари**

### **3.1. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида самарали кредит портфелини такомиллаштириш муаммолари**

Ҳозирги вақтда банк кредит портфелини бошқаришдаги муаммолар асосан бозор муносабатларига ўтиш шароитидаги иқтисодийнинг аҳволи билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳисобланади ва бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш шароитида аста-секинлик билан ҳал қилинади деб ҳисоблаш мумкин.

Тижорат банки кредит портфелини бошқаришнинг асосий муаммолари ва вазифалари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

- кредит рисқи даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларни баҳолаш;
- ссудаларни риск гуруҳлари бўйича таснифлаш;
- кредит портфелини кредит рисклари, миқдор таркиби ва ссудалар таркиби бўйича оптималлаштириш;
- қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиги даражасини ва унинг молиявий аҳволини, кредит рисқини прогноз қилиш мақсадида ўзгариши эҳтимолини аниқлаш;
- муаммоли ссудаларни олдиндан аниқлаш;
- яратилаётган захиранинг етарлилигини баҳолаш ва уни ўз вақтида туғилиши мумкин бўлган рисқларга мувофиқлаштириб бориш;
- кредит қўйилмаларини диверсификация қилишни, уларнинг ликвидлигини ва даромадлилигини таъминлаш;
- банкнинг кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва унга кредит портфелининг сифати таҳлилига асосланган ҳолда ўзгаришлар киритиб бориш.

Тижорат банклари кредит портфелини бошқаришда юқоридаги тамойилларга амал қилиши, банкнинг кредит фаолияти самарадорлигини оширади, ўз навбатида, банкнинг кўрадиган фойдаси ҳам барқарорлашиб боради. Кучли рақобатчилик муҳитида банк кредит сиёсатида кредит менежментига алоҳида эътибор бериш муҳимдир, бу банкка бозор шароитида самарали фаолият юритиши учун зарур. Маълумки, тижорат банклари фаолиятида олинган даромадлар ҳиссасига тўғри келади. Шу сабабли ҳам, ҳар қандай банк ўзининг аниқ ва йўналтирилган кредит сиёсатига, кредит портфелини самарали бошқариш механизмига эга бўлиши шарт. Бу эса банк томонидан бериладиган кредитларнинг ўз вақтида тўлиқ сўндирилиши ва банк фойдасининг кафолатидир.

Тижорат банкларини кредитлар бўйича йўқотишларга таъсир этувчи омиллари таҳлили натижасида Ғарбий Европа банкирлари ички омилларнинг таъсири кўп, деган хулосага келдилар. Жаҳон Банки маълумотларига кўра кредит йўқотишларини 67 фоизига банкнинг ички омиллари сабаб бўлса, 33 фоизига эса ташқи омиллар сабаб бўлади.

8- жадвал

### Кредит йўқотишларига таъсир қилувчи асосий омиллар<sup>27</sup>

Ички омиллар	67 фоиз	Ташқи омиллар	33 фоиз
Таъминот етишмаслиги	22 фоиз	Компаниянинг банкротлиги	12 фоиз
Кредит аризаси таҳлил қилинганда нотўғри баҳолаш	21 фоиз	Кредиторлар ҳақларини талаб қилишлари	11 фоиз
Мижоз фаолиятини яхши ўрганмаслик	18 фоиз	Оилавий муаммолар	6 фоиз
Таъминотнинг ёмонлиги	5 фоиз	Тамагирлик	4 фоиз
Бошқа ички омиллар	1 фоиз		

<sup>27</sup>Жаҳон банки миссиясининг умумий шарҳи – Washington D.C. 2001

Таҳлил натижаларидан кўринадики, кредит йўқотишларига таъсир килувчи ички омиллар орасида кредит учун таъминотнинг етишмаслиги ҳамда мижоз фаолияти ва аризасини яхши таҳлил қила олмаслиги асосий ўринларни эгаллайди. Шуниси характерлики, республикамиз банк тизимида ҳам кредитнинг қайтмаслигига сабаб бўлувчи бирламчи омиллар ана шулардир.

Жумладан, кредит бўйича тақдим этилаётган гаров суммасининг кадрсизланиши натижасида нафақат фоизлар тўловини қоплашга, баъзи ҳолларда асосий қарз миқдорини ҳам тўла қоплашга етмай қолишига сабаб бўлмоқда.

Мураккаб таъминот (мол-мулк ва кафиллик, ёки мол-мулк ва суғурта полиси) ёки янада rischi юқори бўлган фақат кафиллик асосида кредит ажратилган ҳоллар эса нафақат кредит ҳолатини, балки учинчи шахс бўлмиш кафил ташкилот ҳолатини ҳам мониторинг қилиш вазифасини юклайди. Бу эса қўшимча иш вақти ва маблағ талаб қилади.

Бундан ташқари, гаровдаги мол-мулкни банк тасарруфига ўтказиш ҳам бир мунча мураккаб ҳамда судга мурожаат этиш билан боғлиқ жараёнлиги банк активларининг маълум даврга даромад келтирмайдиган мақомга ўтиб қолишига сабаб бўлмоқда. Банк тасарруфига ўтган бино, иншоот ҳамда асбоб ускуналарни сотиш билан боғлиқ ҳолларда банк ходимларида яхши маънодаги тадбиркорликнинг етишмаслиги кузатилмоқда. Мисол учун, ишончли инвесторлар ва мижозларга қулай молиявий шартларда даромад келтирмаётган мол-мулкни лизинг асосида бериш, керак бўлса қўшимча кредит маблағларини ажратиш ҳисобига муаммоли активларни реструктуризациялаш мумкин ҳолларда журъат ва қонунчилик талабларини яхши билмаслик ҳоллари мавжуд.

Жахон банк амалиётида жар ёқасида турган мижозни итариб юборма, балки ёрдам қўлини узат деган нақл бор. Бунинг маъноси, кредитни қайтариш билан боғлиқ муаммони чуқур ўрганиш, уни бартараф этиш йўллари излаш, кредитни қайтариш графикларини қайта кўриб

чиқиш, керак бўлса янги инвесторлар (таъсисчилар) маблағлари ҳисобига мижоз устав капиталини ошириш ва айланма маблағлар билан таъминлаш масалаларини ҳал қилиш керак.

Бундан ташқари, айрим ҳолларда мижоз такдим этган лойиҳа ҳужжатлари кўриб чиқилиб, унга ижобий хулоса берилган, яъни корхона барқарор, кутилаётган пул оқими кредитни қайтариш учун етарли бўлса-да, кредит берилганидан сўнг ёки қайтариш муддати етиб келгач, унинг қайтарилишида муаммолар пайдо бўлиши мумкин.

Бундай ҳолатлар эса етарли даражада мониторинг олиб борилмаганлиги сабабли юзага келади. Кредит шартномасининг амал қилиш даврида кредитнинг мақсадли ишлатилиши, бизнес-режа параметрлариги бажарилиши ва молиявий кўрсаткичлар мониторинги ўтказилиб борилиши кредит рискин камайтиришга хизмат қилади.

Бунда маълумотларнинг ҳаққонийлик даражаси етарли даражада таҳлил қилинмаслиги корхонанинг молиявий ҳолати ва фаолиятидаги салбий ҳолатларни сезмай қолиш хавфини келтириб чиқаради.

Бизнес-режа параметрлари муҳим индикатор вазифасини ўтайди, уларнинг удаланмаслиги кредит ўз вақтида қайтмаслигининг ташвишли белгисидир. Бундай ҳолларда ҳам, юқорида айтилган каби, юзага келган вазиятни қарздор билан муҳокама қилиб, келгусидаги ишларни режалаштириш, зарур бўлса кредит шартномаси шартларини қайта кўриб чиқиш ва қарздорнинг молиявий ҳолатини соғломлаштириш чораларини кўришга тўғри келади.

Кредит қайтмаслиги рискининг ошиши кўп ҳолларда кредит олгандан сўнг, қарздорнинг куйидаги самарасиз ва гаразли хатти-ҳаракати натижасида ҳам юз бериши мумкин:

- қарздорнинг бошқа банклардан кредит олиши;
- қарздорнинг бошқа шахсларнинг мажбурияти таъминоти сифатида кафилликлар бериши;
- қарздор томонидан учинчи шахсларнинг мажбурияти таъминоти

сифатида ўз мулкани гаровга қўйиши натижасида хўжалик фаолиятида зарур бўлган мулкдан қисман ёки тўлиқ маҳрум бўлиши ;

- пул маблағларини кредитланган лойиҳадан четлаштириш (қимматбаҳо автомобиллар сотиб олинishi, офисни таъмирлаш ишлари ва бошқа ортиқча ҳаражатлар қилиш) ҳолларига йўл қўйилади ;

- кредит олган корхона шўъба корхоналар ташкил этилиб, бир-бирларининг мажбуриятлари учун жавоб бермаслиги шarti билан, хўжалик оборотидаги мулкнинг шўъба корхонага берилиши ва сунъий банкротлик учун шароит яратилиши;

- кредит олгандан сўнг, пул айланмаларини банкдан ташқарида амалга оширилиши ва х.к.

Бундай ҳолларнинг олдини олиш учун банкларнинг юридик хизматлари кредит вагаров шартномаларини тузишга жиддий эътибор беришлари ва мажбурий тарзда шартномаларда қуйидаги шартлар кўзда тутилиши лозим:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан молия интизомини мустаҳкамлаш;

- кредит бериш олдида қарздорнинг бошқа банкдаги барча ҳисобрақамларини ёпиши тўғрисидаги шарт;

- кредит берилганидан сўнг, кредитор банкнинг розилигисиз бошқа банклардан ссуда олмаслик ва ҳеч қандай ҳисобрақам очмаслик (талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар, жамғарма депозитлар, муддатли депозитлар ва ҳисобрақамлар);

- мавжуд мол-мулкларини сотиш, узоқ муддатли ижарага бериш ёки ҳар қандай бошқа йўллар билан четлаштирамаслик шarti;

- кредитор банкнинг розилигисиз учинчи шахсларга қарз бермаслик, молиявий ёрдам кўрсатмаслик, бизнес-режада кўзда тутилмаган тўловларни (дивидендлар, катта миқдорда рағбатлантирувчи тўловлар ва х.к.) амалга оширмаслик;

- учинчи шахслар мажбуриятлари бўйича кафил бўлмаслик ёки мол-мулкларини гаровга қўймаслик ва х.к.

Ушбу тадбирлар кредитлар бўйича кўзда тутилмаган муаммолар пайдо бўлиши хатарини камайтиради, қарздоркорхона молиявий ҳолатининг ёмонлашуви олдини олади, мониторинг ишларини энгиллаштиради, охир оқибатда, банк активларини бошқаришга ижобий таъсир кўрсатади.

Банкнинг қарздор пул оқимлари, харажатлари, қарздорнинг бошқа банкдаги барча ҳисобрақамлари ҳамда балансдаги мулкнинг мониторинг қилинишига эътирози, миждонинг қонуний ва ҳалол ишлашдан бош тортишини белгисидир.

Кредитрискини камайтиришнинг асосий йуналишларидан яна бири, бўлажак қарздордан корхона ва унинг раҳбарияти тўғрисида, сўралаётган кредит ва уни тўлаш имконияти, кредит таъминоти ҳамда бўлажак қарздорнинг бошқа банклар билан алоқаси, корхона кредит ҳисобига сотиб олишни кўзда тутаётган товар тўғрисидаги саволлар мажмуи орқали қўшимча маълумотлар базасини шакллантириш керак.

Агар бўлажак қарздор юқоридаги шартларни бажаришдан бош тортса, энг яхшиси, банк у билан ишламагани маъқул, чунки, бу қарздорнинг кредит бўйича мажбуриятларни виждонан бажариш нияти йуқлигидан далолат беради.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, қуйидаги кредит рискларини бошқаришга оид 4 туркумга бўлинган тамойиллар банк кредит фаолиятининг устувор элементлари деб белгиланиши ва уларнинг амалда ижроси самарали кредит портфелини шакллантиришдаги мавжуд муаммоларни камайтиришга хизмат қилади деб ўйлаймиз:

**Кредит рискларини бошқариш тамойиллари<sup>28</sup>**

<b>Тамойиллар</b>	<b>Вазифалар</b>
Кредит рискларини бошқаришга мос муҳит яратиш тамойили	Банк кенгаши Банкнинг кредит сиёсати ва кредит рискларини бошқариш стратегиясининг тасдиқлаши ҳамда янгиланиб турилишини назорат қилиш
	Бошқарув Банк кенгаши томонидан тасдиқланган кредит рисклари бўйича стратегияни амалга ошириш ва назорат қилиши
	Фаолият йўналишлари ва хизматларнинг барча турлари билан боғлиқ кредит рискларини аниқлаш ва бошқариш
Кредитнинг асосланган тарзда берилишини таъминловчи тамойил	Банк кредит беришнинг аниқ белгиланган ва асосланган мезонлари доирасида ўз фаолиятини олиб бориш
	Банк қарз олувчилар ва рақобатчи шериклар, шунингдек ўзаро ҳамкорлик қилувчи рақобатчи шериклар гуруҳи даражасида умумий кредит лимитларини белгилаш
	Банк янги кредитларни тасдиқлаш
Тегишли кредит бошқарувини олиб бориш тамойили	Банкда кредит портфелининг умумий таркиби ва сифатини ҳамда турли кредит портфелларини бошқариш ва мониторинг қилиш
	Банкда кредитлар ҳолатини мониторинг қилувчи алоҳида тизим мавжуд бўлиши
	Банк кредит рискларини бошқаришда кредитлар учун ички рейтинг тизимини ишлаб чиқиш ва фойдаланиш
	Банкда раҳбариятга баланс ва балансдан ташқари фаолиятга тааллуқли ҳамда кредит рискларини баҳолаш имкониятини берадиган ахборот тизимлари ва таҳлилий технологиялар яратиш
	Айрим кредитларни ва умуман кредит портфелини баҳолашда банк келажакда иқтисодий шарт-шароитларнинг ўзгариш эҳтимолини ҳисобга олиш
Тегишли кредит назоратини таъминлаш	Банк кредит рисклари қай даражада бошқарилаётганлигини ўрганувчи мустақил баҳолаш тизимини (Кредит инспекцияси) яратиш
	Банк Бошқаруви кредит бериш функцияси тегишли даражада бошқарилаётганлигини таъминлаши
	Банкда кредит рискларини бошқариш муаммоларини ҳал қилиш

<sup>28</sup> Маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган

Тижорат банклари кредит портфелини бошқаришда унинг тармоқ хусусиятига кўра диверсификация қилинганлигига алоҳида эътибор бериш зарур. Чунки бу хусусият кредит портфелини диверсификация қилишнинг асосий мезони ҳисобланади.

Бугунги кунда тижорат банклари кредит портфелининг маълум бир қисмини муаммоли кредитлар ташкил этади. Ажратилган кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларнинг олдини олиш мақсадида, тижорат банкининг кредит портфели доимий равишда таснифланиб боради. Кредитларни ўз навбатида 5 турга , яъни яхши, стандарт, субстандарт, шубхали ва умидсиз кредит турларига таснифлаш мумкин. Шубхали ва умидсиз кредит деб таснифланган кредитлар муаммоли кредитлар деб қаралади. Муаммоли кредитлар тижорат банклари фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Банкларнинг асосий вазифаси , кредит бериш ўрнига кредитларнинг ўз муддатида қайтарувчанлигини таъминлашдангина иборат бўлиб қолмоқда. Чунки, муаммоли кредитлар тижорат банкининг фойда олиб келадиган активларини камайтиради, бу эса ўз навбатида, банкнинг истиқбол режаси кўрсаткичларига эриша олмаслигидан далолат беради.

Банкларнинг кредит портфелини диверсификациялашдан мақсад ҳам шу, муаммоли кредитларнинг юзага келишига йўл қўймаслик, банкнинг кредит сиёсати соҳасидаги стратегияни ишлаб чиқиш, кредитларнинг сифатини таҳлил қилиш, ва уни яхшилаш учун турли йўлларни излашдан иборатдир.

Кредит портфелини диверсификация қилиш усули ушбу хусусиятларни ўзида ифодалайди:

1. Кредитни кўп сонли, турли тармоққа таалуқли мижозлар ўртасида тақсимлаш

2. Кредитни кам миқдорда бериш ва бир мижоздан кўрилиши мумкин бўлган зарарни бошқа мижозлардан келадиган фойда орқали қоплаш

3. Кредитнинг умумий хажмини сақлаб турган холда қисқа муддатларга кредит бериш

4. Кредитларнинг таъминланганлиги бўйича диверсификация ўтказиш.

Кредит портфелини диверсификациялаш қарзни тўламаслик рискинни энг оддий ва осон усул билан хеджирлашга ёрдам беради ва банкнинг ссуда ва депозитлари кенг миқозлар кўламига бўлиб чиқишни англатади

Кредитларни диверсификация қилишда кредитларни кам миқдорда кўпроқ миқозларга беришга алоҳида эътибор қилиш лозим

Хулоса қилиб айтадиган бўлсам, тижорат банклари кредит портфелини бошқаришда юқоридаги тамойилларга амал қилиш, банкнинг кредит фаолияти самарадорлигини оширади, ўз навбатида, банкнинг кўрадиган фойдасини ҳам оширади.

### **3.2 Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит сиёсатини такомиллаштириш ва кредит портфелини бошқаришни ривожлантириш йўллари**

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида кредит портфели сифатини яхшилаш, муаммоли ссудалар юзага келишининг олдини олиш, аниқлаш ва уларни қайтариш бўйича маълум ишлар амалга оширмоқда. Жумладан, очик акциядорлик тижорат “Агробанк”нинг кредитлаш соҳасидаги асосий вазифаси кредит хатарларини камайтириш ва диверсификациялаш асосида кредит портфелининг сифати ва юқори даромадлигини ошириш, кредитлаш шартларининг ўзгартирилишини таъминлаш, такдим этиладиган маҳсулотлар сафини кенгайтириш ва миқозларнинг яқка тартибдаги эҳтиёжларини инобатга олиш ҳисобига Банкнинг кредит маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишдан иборат. Корпоратив бозор сегментида банкнинг кредит сиёсатидаги устуворлик аввалгидек, аграр сектор корхоналари, шунингдек қурилиш лойиҳаларини амалга оширувчи ташкилотлар сингари иқтисодиётнинг аниқ секторига

тааллуқли йирик корхоналар билан ўзаро муносабатларни ривожлантиришга қаратилган.

Жумладан, кредит сиёсатига мувофиқ мунтазам равишда кредит портфелини инвентаризация қилинмоқда. Бу чоралар кредит рискинни камайтиришга, муаммоли кредитларни ўз вақтида аниқлашга ва филиалларкредит фаолиятини аниқ баҳолашга ёрдам беради.

Кредит рискинни камайтиришнинг асосий омилларидан бири - бу қўйилмаларнинг диверсификацияланганлигидир. Шунинг учун кичик ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш банк сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Банк юритаётган актив операцияларни диверсификациялаш сиёсати натижасида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредит қўйилмалари иқтисодийнинг турли тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилди.

Банк томонидан мижозларга ажратилган кредит таваккалчиликларини оқилона бошқарган ҳолда кредит қўйилмаларини таҳлил қилиш, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни илк даврда аниқлаш орқали огоҳлантирувчи тизим яратилиб, мавжуд муддати ўтган кредитларнинг тўлиқ қайтарилиши борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Банк кредит портфелини самарали бошқариш, кредит таваккалчиликларини минималлаштириш мақсадида “Intelligent Solutions” дастур таъминотчилари билан биргаликда банк кредит портфелининг янги электрон модули амалиётга татбиқ қилинди.

Мазкур дастур таъминоти орқали Марказий аппарат, ҳудудий бошқармалар ва филиалларда кредит портфелини автоматик равишда кунлик шакллантириш имконияти яратилди, натижада муаммоли кредитларнинг юзага келишини олдиндан аниқлаш, уларни Марказий банк талаблари асосида тегишли ҳисоб рақамларда акс эттирилиши ҳамда захиралар яратилиши юзасидан мониторинг ишлари такомиллаштирилди.

Кредит Ахбороти Миллий Институти (КАМИ) электрон базасига

маълумотларни тақдим этиш ҳамда маълумотлар алмашувини таъминлаш борасидаги ишлар яхшиланди. КАМИ электрон базасига маълумотлар алмашинуви банкнинг кредитлар ажратиш жараёнидаги таваккалчиликларни минималлаштиришга, қарз олувчи хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда кафил ташкилотларнинг кредит тарихини таҳлил қилишига имкон беради.

Шунингдек, “Ахбор-рейтинг” Банклараро рейтинг компанияси билан шартнома асосида Ўзбекистон тижорат банкларининг умумреспублика рейтингда банкнинг мунтазам иштирок этиши йўлга қўйилиб, ҳар чорак яқунлари бўйича рейтинг баҳолари натижалари матбуотда чоп этилиб борилди.

Шу билан биргаликда, банк фаолиятида юзага келадиган рискларни аниқлаш ва олдини олиш борасида тегишли чора-тадбирлар амалга оширганлиги билан, банкнинг кредит портфелида муаммоли кредитларни мавжудлиги банк кредит сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш жараёнида маълум камчиликларга йўл қўйилганлигидан далолат беради. Бу эса кредит рискин камайтиришга йўналтирилган ишларни такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради.

Амалга оширилган таҳлиллар ушбу камчиликлар қуйидагилардан иборатлигини кўрсатади:

1. Кредит бериш жараёнида миждознинг кредитга лаёқатлилик кўрсаткичлари, шу жумладан уларни молиявий аҳволининг чуқур таҳлил этилмаганлиги;
2. Миждозларни бизнес-режаси, шу жумладан маркетинг режаси яхши таҳлил қилинмаганлиги;
3. Кредит таъминотини банк томонидан тўғри баҳоланиб расмийлаштирилмаганлиги;
4. Кредит мониторинги тўғри йўлга қўйилмаганлиги.

Ушбу камчиликлар банк фаолиятига салбий таъсир кўрсатишини инобатга олсак, банк томонидан кредит портфелини бошқариш тизимини такомиллаштириши устувор вазифани касб этиши аниқдир.

Ишнинг ушбу қисмида амалга оширилган тадқиқотимиздан қўйидагиларни хулоса қилишимиз мумкин:

Агробанк кредит портфели сифат жиҳатдан яхши бўлишига карамасдан, портфелда муаммоли кредитларни мавжудлиги кредит сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш жараёнларида маълум камчиликларга йўл қўйилганлигидан далолат беради;

1. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида банк томонидан кредит бериш жараёнида мижознинг кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичлари, шу жумладан уларни молиявий аҳволи ва бизнес-режасининг чуқур таҳлил этиш тизимини янада ривожлантириш лозим;

2. Кредит портфели сифатини ошириш мақсадида кредит таъминотини банк томонидан тўғри баҳоланиб расмийлаштирилиши, кредит портфелига кирувчи ҳар бир гуруҳи борасида мунтазам равишда (ҳар чоракда) мониторинг тизимини тўғри йўлга қўйиш лозим.

4. Кредитларнинг қайтмаслиги хатарини минималлаштириш учун етарлича ликвидли гаров билан таъминланишига ва мақсадли ишлатилишини назорат қилиш бўйича ишлаб чиқилган талаблар ижроси назоратини кучайтириш;

5. Кредит бўйича тақдим этилаётган таъминотни таҳлил қилишда таъминотнинг ликвидлилигини ҳамда реал қийматини баҳолашлари услубларини такомиллаштириш;

6. Кредит сиёсатида қўйилган талабларни филиаллар томонидан ижро этилишини доимий назоратга олиш ҳамда талабларни вақти-вақти билан мувофиқлаштириб бориши;

7. Банк юридик хизмати фаолиятини биринчи навбатда кредит амаллари бўйича юзага келаётган масалаларга қаратиш, шу жумладан гаровни расмийлаштириш масалаларига эътиборини кучайтириш.

## ШБОБ бўйича хулоса

Хулоса қилиб айтганда юқорида кўриб чиқилган ҳолатлар, олиб борилган тадқиқотлар ҳамда ўрганилган муаммолар мамлакат банклари кредит сиёсатида ҳали ечилмаган муаммолар мавжудлигидан дарак бермоқда. Масалан, тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификация даражасининг пастлиги, фоиз сиёсатининг яхши йўлга кўйилмаганлиги, кредитлаш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган рискларнинг тўлиқ таҳлил қилинмаслиги шулар жумласига киради.

Уларни ижобий ҳал этилишида тавсия қилинган таклифлардан фойдаланиш ҳам самара бериши мумкин. Хусусан, банк томонидан кредит бериш жараёнида миқдорнинг кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичлари, шу жумладан уларни молиявий аҳволи ва бизнес-режасининг чуқур таҳлил этиш тизимини янада ривожлантириш, кредитларнинг қайтмаслиги хатарини минималлаштириш учун етарлича ликвидли гаров билан таъминланишига ва мақсадли ишлатилишини назорат қилиш бўйича ишлаб чиқилган талаблар ижроси назоратини кучайтириш ва бошқа шу каби тадбирларни амалга ошириш лозим. Уларни жорий этиш мамлакатимиз тижорат банклари кредит сиёсати ва у орқали кредит портфелини бошқаришда кенг имкониятларни очиб беради деган умиддамиз.

## Хулоса ва таклифлар

Тижорат банклари кредит сиёсати ва уни бошқариш бўйича қуйидаги **илмий хулосалар** шакллантирилди:

1. Банкнинг кредит сиёсати – кредитлаш жараёнида юзага келувчи рискларни бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чоралар ва услубларни белгиловчи ҳамда банк раҳбарияти ва ходимлари кредитлар портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи ҳужжатдир.

2. Тижорат банклари активларининг 80-90 фоизини кредитлар ташкил этади. Уларнинг асосий даромад манбаи ҳам кредитдан келадиган фоизлар ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир тижорат банки оқилона кредит сиёсатини ишлаб чиқиши ва унга амал қилиши банк барқарорлигини таъминлайди.

3. Кредит портфели атамаси бўйича тадқиқот олиб борган олимларнинг фикрларини умумлаштирган ҳолда қуйидагича муаллиф таърифини келтиришимиз мумкин: “Банкнинг кредит портфели қисқа муддатли, узоқ муддатли ва муддати ўтган кредитлар бўйича баланс ҳисобварақларидаги маблағларнинг қолдиқларидан ташкил топади”.

4. Кредит портфелини бошқариш бу - мавжуд кредит ресурсларидан самарали фойдаланиш санъати демакдир, яъни самарали бошқарув натижасида кредит ресурслари нафақат ўзининг қийматини сақлаб қолади, балки сезиларли даражада даромад келтиради.

5. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит портфелини таҳлил қилиш жараёни шуни кўрсатадики, банкларимиз истиқболли инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, импортни ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган маҳсулотларни, истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва маҳаллийлаштиришга маблағларни самарали тарзда киритиш, банк хизмат кўрсатадиган корхоналарнинг молиявий ҳолатини соғломлаштиришга қаратилган фаол кредит сиёсатини амалга оширмоқдалар.

6. Тижорат банклари фаолиятини таҳлил қилар эканмиз, мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий соҳаларини молиялаштиришда энг аввало узок муддатли кредитлар ажратилаётгани эътиборга молик.

7. Тадқиқот объекти ОАТБ “Агробанк” фаолияти таҳлили натижасида банк кредит портфелининг кўп қисми қишлоқ хўжалигига йўналтирилган, бироқ бу кредит портфели диверсификацияси тўғри тақсимланмаган деган фикрга келишимизга асос бўлмайди. Чунки қишлоқ хўжалиги тармоқлари ҳам турли ва улар ўртасида кредитлар тўғри тақсимланган.

8. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳар бир банк ўзи хизмат кўрсатувчи бозорнинг талабларидан келиб чиқиб ўзи учун қулай кредит турларини белгилайди. Мижозларни кредитлашда уларни молиявий аҳволини баҳолашда турли кўрсаткичлардан фойдаланади. Республикамиз тижорат банклари фаолиятида ҳам мижознинг тўловга лаёқатлилигини баҳолашда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

9. Тижорат банкининг кредит сиёсати банк кредити йўналтириладиган иқтисодиёт соҳаларини белгилаб олиши, кредитлаш усуллари, кредитлаш кўрсаткичлари, кредитларни қайтариб тўлаш шартлари ва қоидалари, кредитнинг муддати, қарздорликни ундириб олиш бўйича чора тадбирлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг молиявий ҳисоботларига қўйиладиган талаблар, мижознинг кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни ўзида ифода қилувчи қарздорларнинг фаолиятига оид молиявий ахборотлар, гаров таъминотида қўйиладиган талаблар, кредит мониторингига қўйиладиган талаблар, фоиз ставкалари бўйича бажариладиган операциялар, кўзда тутилмаган ҳолатлар моддалари, кредит портфелини аудит қилиш бўйича талаблар банк Бошқаруви ва кенгашига тақдим қилинадиган ҳисоботлар бўйича талабларни ўзида ифода қилиши лозим.

10. Олиб борилган тадқиқотлар ҳамда ўрганилган муаммолар мамлакат банклари кредит сиёсатида ҳали ечилмаган муаммолар мавжудлигидан дарак бермоқда. Масалан, тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификация даражасининг пастлиги, фоиз сиёсатининг яхши йўлга қўйилмаганлиги, кредитлаш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган рискларнинг тўлиқ таҳлил қилинмаслиги, кредитларнинг сезиларли қисми учинчи шахснинг кафолат хати асосида берилган, тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификация даражасининг пастлиги шулар жумласига киради.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит сиёсатини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги **илмий таклиф ва амалий тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Мижозларнинг ҳар бир хўжалик фаолиятининг аниқ ҳолатида кредитга бўлган эҳтиёжини тўлароқ равишда қондириш мақсадида кредиташ усулларида тўлақонли фойдаланишни йўлга қўйиш лозим. Хусусан, халқаро амалиётда кенг фойдаланиладиган овердрафт, контокоррент кредитларини бериш механизмини, онлайн кредит бериш тизимини мамлакатимиз банк амалиётига жорий этиш ва уларнинг ҳуқуқий базасини яратиш.

2. Кредит портфелини тармоқлар бўйича диверсификациялаш даражасини ошириш лозим;

3. Тижорат банкларининг кредитлаш жараёнини самарадорлигини ошириш учун хорижий амалиётда кенг қўлланиладиган скоринг тизимини амалиётга кенг жорий этиш керак;

4. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб Республикамиз банк тизимида кредит меморандумини жорий қилиш;

5. Фоизставкаларини белгилашда аниқ фактларга асослаган ҳолда амалга ошириш ва амалиётда сузиб юривчи ставкаларини ҳам жорий этиш.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳар бир тижорат банки ўз кредит сиёсатини мукамал ишлаб чиқиши ва кредит портфелини самарали бошқаришни назорат қилиши лозим.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2012
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. Т. Адолат 1998
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонун, Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонун, Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Кредит абороти ал машина в и тўғрисида”ги Қонуни Т.: “Ўзбекистон” 2012
6. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонун, Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Чет Эл инвестицияси тўғрисида”ги қонун, Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонуни Т.: “Ўзбекистон” 2003.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонун, Т.: “Ўзбекистон”, 1996

### **II. Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимининг асосий саноат қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва оқорихал қарорейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор вазифалари” тўғрисидаги 26.11.2010 й ПҚ-1438 сонли Қарори
2. Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича кўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори  
19.04.2010 й. N ПК-1325

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.04.2010 й. ПК-1317-сон "Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори

4. Тижорат банклари депозитларига ахоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.04.2009 й. ПК-1090-сон Қарори

5. Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узок муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.07.2009 й. ПК-1166-сонли Қарори

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил 2 мартдаги "Тижорат банклари кредит сиёсатига кўйиладиган талаблар тўғрисида"ги Низом

### **III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари**

1. И.А.Каримов "Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом еттириш" . -Т.: "Ўзбекистон". 2013 йил. 19-январ

2. И.А.Каримов "2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади". – Т.: "Ўзбекистон" 20.01.2012 йил.

3. И.А.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Т.: «Ўзбекистон», 2011 й.

4. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимининг муҳим омилдир. Т.: «Ўзбекистон», 2010 й.
5. И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2010 й
6. И.А.Каримов. Асосий вазиғамиз- ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиғини янада юксалтиришдир. Халқ сўзи. 30.01.2010.
7. И.А.Каримов. Ўзбекистон конституцияси -биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. Халқ сўзи. 05.12.2009
8. И.А.Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.: Ўзбекистон. 2009й.
9. И.А.Каримов ”Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш-давр талаби”. “Халқ сўзи”. 14 февраль 2009 й.

#### **IV. Асосий адабиётлар**

1. Абдуллаев Ё. ва бошқалар. Банк иши. Ўқув қўлланма. - Т.: “Иқтисод-молия”. 2010.532 б.
2. И.Р.Тоймухамедов. “Банк иши”. Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти. 2005
3. Рашидов О.Ю. ва бошқалар. Пул муомаласи, кредит ва молия. Ўқув қўлланмаси. ТДИУ. 2005. 310 б.
4. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Т.: “Молия”. 2005, 510 б.
5. Лишанский М.Л., Маслова И. Краткосрочное кредитование сельскохозяйственных предприятий. Учебное пособие. Юнити. М.: 2000.
6. Роуз Питер С. Банковский менеджмент. Пер. с англ. со 2-изд. - М.: «Дело ЛТД», 1995. - 768 с.
7. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. Т.: ”Молия”,

2002, 166 бет.

8. Банковское дело: Учеб. / Под ред. В.И. Колесникова, М.П. Кроливецкой. М.: Финансы и статистика, 2005. 252 с.

9. Банковское дело: Учеб./ Под ред. Г.Г.Коробова, М: Юристъ, 2006. 751 с.

10. Банковское дело: Учебник / Под ред. О.И. Лаврушина. М.: 2007 511 с.

11. Банковское дело: Учебник / Под ред. Ю.А.Бабичевой. М: Экономика, 2006.-с.215

12. Банковское дело: Учебник / Под. Ред. Г.Н.Белоглазовой, Л.П. Кроливецкой - 5-е. Изд., перераб. И доп. - М.: Финансы и статистика, 2006 .-592 с,

#### **V.Қўшимча адабиётлар**

1. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров. “Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устувор мақсадимиздир” маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув услубий мажмуа. Т. Иқтисодиёт.2010

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Тузувчилар: Б.Ю. ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев.-Т.: Иқтисодиёт. 2009, -120 б.

3. Материалы Всероссийской научно-практической конференции «Современные тенденции развития теории и практики управления отечественными предприятиями». Ставрополь, 2007

4. Батракова Л.Г. Экономический анализ деятельности коммерческого банка: Учебник для вузов / Л.Г. Батракова / М.: Издательская корпорация «Логос», 2006. -387 с.

5. Маркова О.М., Сахарова Л.С., Сидоров В.Н. Коммерческие банки и их операции. / О.М.Маркова, Л.С.Сахарова, В.Н.Сидоров - М.: ЮНИТИ, 2006.- 457 с.
6. Основы банковского дела в Российской Федерации : Учеб. Пособие / Под ред. Семенюта О.Г. - Ростов Н/Д : Феникс, 2007 . С.448.
7. Чиненков А.В. Банковские кредиты и способы обеспечения кредитных обязательств / Бухгалтерия и банки / А.В.Чиненков -2005 -№ 4.
8. Шеремет А.Д. Финансовый анализ в коммерческом банке/ Под ред. А.Д. Шеремет, Г.Н. Щербакова. - М.: Финансы и статистика, 2005.г- 256 с.
9. Краснов Ю.К. «Правовые и организационные основы формирования кредитных историй» / Ю.К.Краснов / Правовой курье.-2005 г.- № 12.-С.33-34.
10. Вавулин Д. «Бюро кредитных историй в Российской Федерации» /Д.Вавулин / Право и экономика-2006 г. № 5 -С.22-23
11. Ларина Л.И. «Актуальные вопросы применения Федерального закона» «О кредитных историях» / Л.И.Ларина / Слово-банкиру - 2003 г. № 6 -С.31.
12. Хоменко Е.Г. «О кредитных историях» / Е.Г.Хоменко / Закон-2005 г. - № 6-С.61-63.

## **VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар**

1. “Бозор, пул ва кредит” №1-12 2011. №1-12, 2012 йил.№1-5, 2013 йил.
- 2.Банк ахборотномаси, газетаси 2011 йил №1-52, 2012 йил №1-52, 2013 йил № 1-22.
- 3.Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари
- 4.Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисоботлари
- 5.Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари йиллик ҳисоботлари
- 6.ОАТБ “Агробанк” йиллик ҳисоботлари

## **VII.Интернет сайтлари**

1. [www.travel-library.comwww.thebanker.com](http://www.travel-library.comwww.thebanker.com)
2. <http://www.bankofengland.co.uk/markets/forex/index.htm>
3. <http://www.bankofengland.co.uk/markets/money/index.htm>
4. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)
5. [www.agrobank.uz](http://www.agrobank.uz)
6. [www.znaem.ru](http://www.znaem.ru)
7. <http://www.allbest.ru/>